

Спорт туфайли
соғлом авлодлар
вужудга келади ва
мамлакат
шуҳрати жумлаи
жаҳонга таралади.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 19-may, shanba № 40 (8481)

НАВОИЙ СПОРТ БАЙРАМИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ КУТМОҚДА



Мақтаб ўқувчилари ўртасидаги анъанавий “Умид ниҳоллари — 2012” спорт мусобақаларининг Навоий шаҳрида ўтказиладиган мамлакат босқичи бошланишига санокли кунлар қолди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод камолотида қаратилаётган юксак эътибор болалар спортини ривожлантириш борасидаги салмоқли ишларда яққол намоён бўлмоқда. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари ҳам ўтган йиллар мобайнида минглаб ёш спортчи-

лар, ўқувчилар учун чиниқиш, тажриба ва маҳорат мактабига айланди. Ушбу беллашувларда тобланган кўплаб ёшлар бугунги кунда халқаро майдонларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Айни кунларда Навоий шаҳридаги мусобақалар ўтказиладиган иншоотларда қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари якунланиб, улар беллашувларга шай ҳолатга келтирилди.

(Давоми 8—9-бетларда.)



ЖАҲОН ГИМНАСТИКАСИ ЮЛДУЗЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ ЙИРИК МУСОБАҚАЛАР

Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Harry Caravan» халқаро турнири бошланди

Ўзбекистонга сайёрамининг барча қитъаларидан спортнинг энг гўзал, нафис тури вакиллари ташриф буюрди. Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Harry Caravan» халқаро турнири бошланди. Мусобақалар Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон Гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Бадий гимнастика бўйича олимпия захиралари республика болалар-ўсмирлар ихтисослашган спорт мактаби спорт саройи томошабинлар билан гавжум. Спорт саройида вакиллари мусобақаларда иштирок этаётган мамлакатларнинг давлат байроқлари ҳилпираб турибди.

Спорт, нафосат ва гўзаллик халқаро байрами Ўзбекистон гимнастикачи қизлари ҳамда санъат усталари иштирокида ҳаёт уйғунлиги-

ни ифода этувчи театрлаштирилган “Йил фасллари” томошаси билан бошланди. Спорт, мусиқа ва рақсни ўзида мужассам этган бадий гимнастика эса ушбу уйғунлиқнинг ифодасидир.

Саҳнага мусобақалар иштирокчилари чиқиб келади. Жаҳон кубоги босқичи беллашувларида Жанубий Корея, Озарбойжон, Беларусь, Болгария, Бразилия, Миср, Исроил, Индонезия, Мексика, Россия, Франция каби дунёнинг 18 мамлакатидан 120 нафардан ортиқ энг кучли спортчи қатнашмоқда. Осиё ўйинлари кумуш медал соҳибалари Жамила Раҳматова, Замира Санакулова, 2010 йилги Осиё чемпионати голибаси Азиза Мамажонова, ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритган Майя Филиппова ва Мафтуна Шамсиева мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

(Давоми 16-бетда.)



“Bitiruvchi — 2012”

ЛИЦЕЙ ВА КОЛПЕЖЛАР ЎҚУВЧИЛАРИНИ КУТМОҚДА

Санокли кунлардан сўнг умумтаълим мактабларида сўнгги кўнғироқ чалиниб, битирувчи ёшлар ўзлари танлаган касблар бўйича ўқишни давом эттириш учун академик лицей ва касб-хунар коллежларига йўл олади.

Шу муносабат билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 2-академик лицейда ўтказилган “Очиқ эшиклар кун”га Нукус шаҳридаги умумтаълим мактабларини битираётган ёшлар ва уларнинг ота-оналари таклиф этилди.

Мазкур билим даргоҳига жорий ўқув йилида 4 йўналиш бўйича 210 нафар ўқувчи қабул қилинади.

Тадбирда иштирокчилар академик лицейда истеъдодли ўқувчиларнинг билим олишлари учун яратилган замонавий шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

(Давоми 2-бетда.)

ЎҚУВ ЙИЛИ ЮТУҚЛАРИ

Халқ таълими вазирлиги пойтахтидаги 69-умумтаълим мактабида ташкил этган матбуот брифингида ўқув йили якунлари ва таълим соҳасидаги ислохотлар хусусида сўз борди.

Айтиш жоизки, жорий йил февралда Президентимиз ташаббуси билан «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда турли мамлакат ва халқаро ташкилотлар вакиллари юртимиз таълим тизимидаги ислохотларга юксак баҳо беришди.

Умумтаълим мактабларида таҳсил 7 тилда олиб борилиши, 12 йиллик бепул узлуксиз таълим йўлга қўйилгани, деярли барча ўқув муассасалари ZyuNet тармоғига улангани ва уч босқичли спорт мусобақалари тизими яратилгани алоҳида эътироф этилди.

Тизимда яратилаётган қулайликлар ўз самарасини бермоқда. Чунанчи, 1995—2011 йилларда ўқувчилар кимё, биология, физика, математика, информатика ва хоржий тил фанларидан ха-

лқаро олимпиадаларда 20та оltин, 49та кумуш, 175та бронза медални қўлга киритди. Ўтган йилнинг ўзида спортчи-ўқувчилар халқаро мусобақалардан 60та оltин, 64та кумуш ва 58та бронза медаль билан юртимизга қайтди. Шу йили нуфузли халқаро танловларда мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларидан 12 нафари олий ўринга сазовор бўлди.

Брифингда 2012 йил 25 май куни умумтаълим мактабларида «Мустақил юрт фарзанди, она Ватан сени чорлайди!» шиори остида ўтказиладиган «Сўнгги кўнғирок» тадбирларида фан олимпиадаси, билимлар беллашуви ва турли кўрик-танловларда фаол иштирок этган ўқувчиларни тақдирлаш режалаштирилгани таъкидланди.

Тадбирда қайд этилганидек, 2011—2012 ўқув йилида 560 минг 345 нафар ўқувчи 9-синфни тамомлайди. Йил давомида мактаб психологлари, педагог ва ота-оналар, маҳалла фаоллари иштирокида ёшларнинг қизиқиши ва лаёқати ўрганилиб, уларни коллеж ва академик лицейларга қамаб олиш учун барча шароитлар яратилди.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

— Аниқ фанларга қизиқишим кучли бўлгани туфайли мана шу академик лицейни танладим, — дейди Сагиндиқ Ҳтемуратов. — Ўқув масканидаги шарт-шароитлар, таълим сифати менга ҳаят манзур бўлди.

рини 27 минг 296 нафар йигит-қиз тамомлайди, — дейди Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва республика психологик-педагогик ташхис марказининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакили Еркинбой Нуртаев. — 3 минг 241 нафар ўғил-қиз академик лицейларда, 24 минг

хассислар тайёрланади. Бу ерда замонавий таълим дастурлари асосида касб-хунар ўрганиш учун яратилган имкониятлар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарида катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги ахборот технологиялари дав-

ПИЦЕЙ ВА КОМПЛЕЖЛАР ЎҚУВЧИЛАРНИ КУТМОҚДА

Ёшларни касбга тўғри йўналтириш, малакали мутахассис қилиб тайёрлаш мақсадида ўрта махсус таълим муассасаларида ташкил этилаётган тадбирлар яхши самара бермоқда. Жумладан «Мутахассислигинг — сенинг келажагинг» мавзусидаги кўргазмали тадбирларда 9-синф битирувчилари ўз хоҳиш ва қизиқишига мос касб-хунарларни танламоқда.

— Жорий йилда умумтаълим мактаб-

нафardan зиёд ўқувчилар касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттириш истагини билдирган.

Умумтаълим мактаблари битирувчилари учун Оролбўйи ҳудудида 10 академик лицей ва 91 касб-хунар коллежидан 100 дан ортиқ мутахассисликлар бўйича таълим-тарбия йўлга қўйилган.

Кегейли қурилиш ва ахборот-технологиялари касб-хунар коллежидан 8 ихтисослик бўйича малакали мута-

рида замонавий техникани мукаммал эгаллаган мутахассис кам бўлмайди, — дейди Мийрхан Даулетназарова. — Биз ҳам оиламиз билан маслаҳатлашиб, ўғлимизнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда, мана шу касб-хунар коллежини танладик. Ўғлимиз бу ерда етук мутахассис бўлиб етишишига ишончимиз комил.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

КИЧКИНТОЙ СПОРТЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ



Кичкинтойларни спорт билан ошно тутинишлари мақсадида Чилонзор туманидаги 406-мактабгача таълим муассасасида «Соғломжон — полвонжон» тадбири ўтказилди. Унда 12та МТМ тарбияланувчилари мусобақалашди.

— Таълим-тарбия масканидан болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишига катта эътибор қаратамиз, — деди муассаса раҳбари Гавҳар Даминова. — Спорт ва мусиқа тўғрисидаги таълимий ва ҳаракатли машғулотлар бу

борадаги мақсадларимиз рўйи учун айтиш мумкин. Одатда болажонлар ўртасида спорт ва бадий гимнастикани ривожлантириш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида соғломлаш-

Tadbir

тириш мусобақалари уюштириб турилади. Бугун ҳам уларнинг нафақат жисмоний қобилияти, балки санъат ва адабиётга бўлган иштиёқи синовдан ўтказилмоқда. Жумладан, босқичма-босқич бўлиб ўтган шеърхонлик, рақс ва спорт машқларида иштирокчилар ўз иқтидорларини намойиш этишди.

Тайёрлов гуруҳидан сараб олинган 200га яқин ўғил-қизлар 20 метр масофага югуриш, узунликка сакраш, нишонга улоқтириш каби шартлар бўйича ўзаро куч синашди.

Спорт тадбирида тумандаги 534-, 475-мактабгача таълим муассасалари биринчи ўрин, 406 ва 23-мактабгача таълим муассасалари 2-3-ўринни банд этишди.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Anjuman

ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Замонавий мактаб қандай бошқарилади? Муваффақиятларга эришишнинг сирини нимада? Таълим даргоҳи нуфузини кўтариш нималарга боғлиқ?

Таълим соҳасида меҳнат қилаётган ҳар бир раҳбар бу ҳақда ўйлаши ва бош қотириши табиий. Бошқарувни тўғри ташкил этиб, катта муваффақиятларга эришяётган таълим муассасалари Тошкент шаҳрида анчагина. Жумладан, Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 50-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Тошкент шаҳар педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг навбатдаги илмий-методик кенгаши ноанъанавий тарзда ана шу таълим даргоҳида ўтказилди. Институт профессор-ўқитувчиларидан бир гуруҳи мактаб маъмуриятининг иш услубини ҳар томонлама ўрганиб, яқин хулосага келди: таълим масканида бошқарув тизими намунали йўлга қўйилгани инобатга олиниб, иш тажрибасини кенг тарғиб-ташвиқ этиш ва оммалаштириш масаласи муҳокама қилинди.

— Мактабни бошқаришнинг илмий-методик инновацион технологияларини билмай туриб ёки қўлламай унинг муваффақияти ҳақида гапириш асоссиз, — дейди муассаса раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳиббали Валентина Ломухина. — 1627 нафар ўқувчи билим олаётган таълим даргоҳимизнинг энг катта кучи ўқитувчилардир. Бошқарувни оқилона ташкил этишда педагогик кенгаш, услубий бирлашмалар, касба уюшмаси, «Камолот» бошланғич ташкилоти билан бақамти иш юритамиз. Илмий-методик кенгаш йиғилишида мактаб раҳбари ва ўринбосарлари иш тажрибаси билан муфассал танишган экспертлар ўз хулосасини беришди. Институт ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Х.Йўлдошев мактаб раҳбарлари иш тажрибасини кенг ёйиш ва тарғиб-ташвиқ этиш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

Х.КУЗМЕТОВА

Республикамизда уюшқоқлик билан ўтказилаётган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» муносабати билан Олмазор туманидаги 326-мактабда «Яшил чироқ-2012» тадбири бўлиб ўтди. Унда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими методистлари, туман ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими мутахассислари ҳамда ўқувчилар иштирок этдилар.

Дастлаб туман мактабларидан ташриф буюрган жамоалар йўл ҳаракати қоидаларини бўйича ўз билимларини синовдан ўтказиб мусобақалашдилар. Шундан сўнг йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан ўқувчи-ёшларга кўча қоидаларига риоя этиш, йўл белгилари ҳақида маълумотга эга бўлиш каби мавзуларда тушунтириш ишлари олиб борилди.

Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллари- данок таълим соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширила бошланганлиги, ёш авлодга берилаётган юксак эътибор тез орада ўзининг ижобий натижаларини кўрсатганлиги бугун халқимизга яхши аён. Биз оддийгина жумла билан айтиб ўтаётган «ёш авлодга эътибор» ибораси замирида аслида жуда катта куч, моддий маблағ, мана шу рўй келажаги бўлган фарзандларимиз камоллини бугунги ҳузур-ҳаловатдан устун қўйиш каби фидойиликлар ётганлигини ҳар доим ҳам ёдга олавермаймиз. Бир эслаб қўрайлик, қурилганига 70—80 йилдан ошган бўлса-да, мактабимизда муастакиллик давригача бирор жиддий қурилиш ёки ўзгариш бўлдим? Бу саволга ижобий жавоб топиш қийин. Ўша пайтларда янги мактаб қуриш учун собиқ иттифокда ҳеч қандай имкониёт йўқмиди? Мана шундай қиёсларда муастакилликнинг қадри янада ёрқинроқ билинади.

Хабарингиз бор, 2004 йилда бошланган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастури доирасида бир-биридан мухташам янги мактаблар қад ростлади. Ушбу таълим масканлари энг сўнгги ўқув-лаборатория жиҳозлари ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланди. Бугун республикамизнинг олис кишлоқ мактабларида ҳам шаҳар мактабларидаги каби шaroitлар муҳайё. Бу каби хайрли ишлар бугунги кунда тўхтаб қолгани йўқ. Президентимизнинг «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори асосида эндиликда мунтазам равишда таълим муассасаларида янгидан қурилиш, таъмирлаш ва замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш ишлари давом эттирилмоқда. Бу эса келажақ авлод тақдирига масъуллик ва ғамхўрлик мамлакатимиз сийёсатининг доимий бош мақсади эканлигига яна бир ёрқин мисолдир. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, мамлакатимиз миқёсида 2011 йил давомида янги қурилатган уй-жой массивларида 45та янги мактаб барпо этилган бўлса, 121та таълим объекти капитал реконструкция қилиниб, 151таси капитал таъмирланди. Ушбу қурилиш-таъмирлаш ишларига республика бюджетидан 24,6 миллиард сўм ҳамда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳисобидан 99,8 миллиард сўм маблағ сарфланди.

— Мамлакатимизда янги таълим муассасаларини барпо этиш, мавжудларини жорий ва капитал таъмирлаш ишлари 2012 йилда ҳам кенг қўламли амалга оширилиши кўзда тутилган, — дейди Халқ таълими вазирлиги бўлими бошлиғи Раҳимжон Акрамов. — Президентимизнинг «2012 йил Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорига кўра, 14та янги уй-жой массивларида мактаблар қуриш, 187та мактабларни капитал реконструкция қилиш, 162тасини эса капитал таъмирлаш белгиланган. Ушбу хайрли иш-

ворлари бўёқдан чиқарилди. Айни кунларда пардозлаш ишлари давом этмоқда.

Шунингдек, мактабда бюджетдан ташқари топилаётган қўшимча маблағлар ҳисобига ҳам қурилиш-обodonлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

— Муассасамиз ҳисобига 3 гектарга яқин ер майдони бор. 2 минг тупдан зиёд террак парваришланаяпти. 200 тупдан кўпроқ мевали дарахтлар ўстирилган. Ёнғоқзор ва ўрикзорлардан яхшигина даромад олаёلمиз. Ушбу даромадлар ҳисобига мактаб товарлар-атрофини тартибга келтиришни мўлжаллаб турибмиз. Бино то-

хўрликлардан ўқувчилар, ота-оналар, мураббийлар бирдек миннатдор.

— Мактабимиз 2011 йилда капитал таъмирланиб, кўркам ҳолатга келди, — дейди Норин туманидаги 3-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Миржалол Мўминов. — Айниқса, таълим масканимиз таъмирдан чиққач, замонавий ўқув-лаборатория ва компьютер жиҳозлари билан таъминланганлиги ўқиб-ўрганишга қизиқишимизни оширмоқда.

Ўтган йили капитал таъмирланган Учқўрғон туманидаги 46-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаб-интернати ўқитувчиси Муҳам-

ЭЗГУЛИКНИНГ ДАВОМИ

ёхуд мамлакатимиз таълим-тарбия масканларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари хусусида

ларни амалга ошириш учун жами 167,6 миллиард сўм маблағ ажратилган. Айни кунларда таълим объектиларининг барчасида пудратчи ва бюрутмачи ташкилотлар ўртасида шартномалар тўзилиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Жойлардан олинган маълумотларга кўра, шу кунгача Республика бўйича жами 52,2 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бу эса йиллик режанинг 30 фоиздан ортигини ташкил этади. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Сирдарё вилоятларидаги ижобий ишларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Жорий йилнинг 2-чорак якунига қадар ушбу таълим объектиларининг 43таси фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

Янги мактаб биноларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ишлари Фарғона вилоятида ҳам жадал суръатларда давом этмоқда. Жумладан, вилоятнинг энг чекка ҳудуди — Ёзёвон тумани аҳолиси ҳам мана шундай хайрли бунёдкорлик ишларидан кўнгуллари фахр-ифтихорга тўлиб, илм маскани қурилишига ўзлари ҳам елкада бўлишмоқда.

— Туманимизнинг Сойбўйи қишлоғида жойлашган 7-умумтаълим мактабида айни пайтда қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими бошлиғи Тўлқинжон Эгамбердиев. — Таъмирлаш ишлари икки сменада олиб боришмоқда. Шу кунга қадар режада белгиланган ишларнинг 50 фоиздан зиёди удаланди. Эшик-роملар, синфхоналар, спорт зали ва йўлакларнинг поллари янгиланди, мавжуд 28та синф хонасининг де-

мини эса шифер қилиш учун ёғоч материаллар ўзимиздан чиқди. Ҳар бир қарчирдан унумли фойдаланишга интилаяпмиз. Давлатимиз фарзандларимиз учун мана шундай замонавий таълим масканларини қуриб бераётган экан, биз ҳам бу ишларга озми-кўлими ҳиссамизни қўшишимиз керакда, — дейди мактаб директори.

Мактабдаги таъмирлаш ишларини кўзатарканмиз, ибратли бир ҳолга дуч келдик. Ишларнинг сифатли бажарилиши учун жамоатчилик назорат гуруҳи тўзилган бўлиб, унинг аъзолари қурилишнинг бориши, материалларнинг сифати ва ўз вақтида етказиб берилиши, ишчиларга яратиб берилаётган шaroitлар билан танишиб боришди.

Инвестиция дастури доирасида 2011-2012 йиллар давомида Наманган вилоятида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳам таҳсинга сазовор.

— 2011 йилда Наманган вилоятида жами 21та мактабда янгидан қурилиш, капитал реконструкция ва таъмирлаш ишлари режалаштирилган эди, — дейди вилоят Халқ таълими бошқармаси бўлими бошлиғи Дилшодбек Ниязов. — 8 миллиард 175 миллион 417 минг сўмлик маблағ эвазига 1та янги мактаб барпо этилган бўлса, 9та мактаб капитал реконструкция қилинди, 11таси эса капитал таъмирланди. 2012 йилда ҳам вилоятимиздаги 16та таълим объектида 9 миллион 89 миллион 249 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Мисол учун, Тўрақўрғон туманида битта янги мактаб қурилса, етти-та мактаб капитал реконструкция қилинади. 8та мактаб эса капитал таъмирланиши кўзда тутилган. Айни кунгача 5 миллиард 542 миллион 82 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Табиийки, бу каби ғам-

маджон Ҳайдаров юртимиз мактабларининг кўркам қиёфа касб этиб, энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланиши ўқитувчиларда ҳам ҳавас ва иштиёқ билан таълим-тарбия бериш ҳиссини ошираётганлигини мамнуният билан таъкидлади.

Мингбулоқ туманидаги 14-мактабда ҳам дарслар икки сменада олиб бориладди. Бу эса айрим нуқулликлар туғдирар, фарзандларининг мактабдан кеч қайтиши ота-оналарни ташвишлантирарди. Ушбу мактаб ҳам жорий йилда капитал реконструкция қилинмоқда. Реконструкция иш қўла-мига қўшимча ўқув биноси ва спорт зали қуриш қилинган. Ҳозиргача режадаги ишлар 66,9 фоизга бажарилди.

— Ушбу мактабда икки нафар фарзандим таълим-тарбия олади, — дейди Муҳаммаджон Аҳмедов. — Таълим муассасаси капитал реконструкция қилинаётгани бизни жуда хурсанд қилди. Насиб этса, фарзандларим барча қўлайликларга эга, замонавий билим масканида тахсил олади. Ёш авлодга давлатимиз томонидан берилаётган бу каби ғамхўрликлардан мамнунмиз.

Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган қурилиш-тиклаш ишлари ҳам белгиланган муддатларда ва сифатли олиб боришмоқда.

— 2011 йилда вилоятимиз бўйича жами 59та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Холикул Ражабов. — Шундан янги қурилатган уй-жой массивлари ҳудудларида 1360 ўринли 6та янги мактаб барпо этилган бўлса, 33та мактабда капитал реконструкция, 20та мактабда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Жорий йилда «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, му-

Jarayon

камал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармаси» маблағлари ҳисобидан вилоятдаги 48та мактабда капитал реконструкция, 8та мактабда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиши белгиланган. Капитал реконструкция қилинаётган мактабларнинг 15тасида спорт зали қурилиши кўзда тутилган. Ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан мазкур илм масканлари тўлиқ ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланади. Айни пайтда қурилиш-бунёдкорлик ишлари қизгин давом эттирилмоқда. Янги ўқув йилида бу муассасалар тўлиқ фойдаланишга топширилади.

Шу ўринда Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарлари, Жомбой ва Нуробод туманларида «Баркамол авлод» болалар марказлари барпо этилаётгани, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 6та болалар мусика ва санъат мактабларида янгидан қурилиш ва таъмирлаш, 7та мактабда спорт зали бунёд этиш, Каттакўрғон шаҳрида битта сузиш ҳавзаси, Қўшратот туманида битта ТИП-2 спорт мажмуасини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Оқдарё туманидаги Сугончи қишлоғида жойлашган 6-умумтаълим мактабида ҳам бунёдкорлик ишлари бошлаб буюрилди. 360 ўринли янги бино барпо этиш билан бирга мавжуд эски бинода ҳам капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади. Эски бино тўлиқ пол қилинди. Замонавий эшик ва ромлар ўрнатилиб, айни пайтда пардозлаш ишлари олиб борилапти.

«Оқдарё Бунёдкор Қурувчи Сервис» қурилиш ташкилоти жамоаси амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари учун 1 млрд. 167 млн. сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Айни пайтгача объектда қурилиш-бунёдкорлик ишларининг саксон фоизи амалга ошириб бўлинди. Қурувчиларнинг таъкидлашларича, сўнгги пардоз ишлари 1 июлда ниҳоясига етади.

— Уч фарзандим мана шу мактабда таълим-тарбия олмақда, — дейди Сугончи қишлоғида истиқомат қилувчи Шерзод Каримов. — Юртимиздаги барча илм масканлари йилдан йилга янгиланиб, кўркам қиёфа касб этиб бораётгани барчамизни жуда хушнуд этади. Бундан қувонмайдиган ота-она бўлмаса керак. Энди бизнинг мактаб ҳам ана шундай шaroitларга эга бўлади. Бу биз ота-оналарнинг қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирмоқда.

Хайрулло
АБДУРАХМОНОВ,
Баҳодир ШОКИРОВ,
Ҳаким ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбирлари



❖ Самарқандда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг таълим масканларига бориб-келиши учун bepul jamoat transportlari tashkil etildi.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ва дарс машғулотида фаол иштирокини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими томонидан қабул қилинган қарорга кўра, ўқувчилар якшанба, байрам ва таътил кунларидан ташқари, эрталаб соат 7.00 дан 9.00 гача ҳамда 13.00 дан 15.30 гача «Самарқанд транс» маркази таркибидagi йўловчи ташиш фаолияти билан шугullanувчи корхоналарнинг автобус ва йўналишли таксиларидан bepul фойдаланиши мумкин.

— Бугунги кунда вилоятимиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида 203 минг нафардан зиёд ўқувчи тахсил олмакда, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси масъул ходими Розик Файзиев. — Энди улар коллеж ёки лицейга бориб-келиш учун транспорт воситаларидан bepul фойдаланади. Май ойидан жорий этилган ушбу имтиёз ўқувчилар ва ота-оналар учун катта имконият яратди.

Мазкур тартиб тегишли таълим муассасалари томонидан берилган «Ўқувчилик гувоҳномаси» асосида амалга оширилмоқда.

❖ Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида «Оила — жамиятимиз таянчи» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси, қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда талабалар ва ёш оилалар иштирок этди.

Тадбирда меҳнат фаолиятини бошлаётган ва мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, ёш оилалар барқарор даромад манбаини шакллантириш ҳамда уй-жой ва бошқа қўллаб-қувватлаш шароитларини яхшилаш борасида юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида сўз юритилди. Ёшларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир доирасида «Келин-куёвлар» танлови ўтказилиб, университетда тахсил олаётган талабалар оилалари иштирок этди. Турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

❖ «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонднинг Қашқадарё вилояти ваколатхонаси иштирокида Қарши туманидаги Богобод маҳалла фуқаролар йиғинида «Моҳир қўллар» ўқув маркази очилди.

Тадбирда вилоят ҳокимлиги вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонднинг туман бўлимлари раислари, Богобод маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Иштирокчилар «Моҳир қўллар» ўқув марказининг иш фаолияти билан яқиндан танишди. Айни пайтда бу ерда Богобод маҳалласидаги хотин-қизлар ва мактабнинг юқори синф ўқувчилари бичиш-тикишни ўрганмоқда.

❖ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида узлуксиз экологик таълим тизимининг илмий асослари ва уни ривожлантириш истиқболларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар, талабалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда узлуксиз экологик таълимнинг истиқболлари, бу жараёнда илмий-педагогик масалалар, маҳалла эколог мутахассисларни ва илмий кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, экотуризмни ривожлантиришда етук мутахассисларнинг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

«Yagonasan, muqaddas Vatan!»

УЛАРНИ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ КУТМОҚДА

Мамлакатимизда аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ёшларда миллий санъатимизга меҳру муҳаббатни ошириш, улар орасидан энг истеъдодлиларини саралаб олиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадини кўзлайди.

Фарғона шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган танловнинг вилоят босқичи санъатсевар ёшлар орасидан энг иқтидорлиларини кашф этди. 300 нафар ўқувчи ва ўқитувчи иштирок этган танловда энг сара 11 нафар истеъдодли йигит-қиз ғолиб сифатида тақдирланди.

Аънавий хонандалик йўналишида 1-ўрин Риштон туманидаги 21-БМСМ ўқитувчиси Алиёр Орипов ва ўқувчи Исрол Мансуровга насиб этди. Эстрада хонандалиги йўналиши бўйича эса Қўқон шаҳридаги 6-БМСМ ўқитувчиси Алишер Ғафуров ҳамда ўқувчи Гул-

бахор Арслонкулова ғолиб бўлди. Академик ижро йўналишидаги ғолибликка фарғоналик ёш санъатсевар ўқувчи Севар Жўраева ҳамда Бешариқ туманидаги 18-БМСМ ўқувчиси Зуфар Каримов лойиқ топилди.

Ғолиблар 23—24 май кунлари Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтадиган республика босқичида вилоят шаънини ҳимоя қилдилар.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Seminar

ТЎГАРАК РАҲБАРЛАРИ ЎҚУВИ

Республика «Барқамол авлод» болалар техник ижодиёт марказида Тошкент шаҳридаги барча марказ услубчи ва тўғарак раҳбарлари учун «Ёзги оромгоҳлар ва соғломлаштириш майдончаларида техник тўғаракларни ташкил этиш омиллари» мавзусида амалий ўқув семинари ўтказилди.

Таътил давомида ташкил этилажак «Бошланғич техник моделлаштириш»,

«Авиамодель», «Автомодель», «Ракетамодель», «Кемасозлик» тўғараклари ҳақида маълумот берилиб, болаларни кўпроқ жалб этиш бўйича фикр алмашилди.

Семинар қатнашчиларига «Ёзги оромгоҳларда ташкил этиладиган техник йўналишдаги тўғарак раҳбарлари учун дастур ва услубий қўлланмалар» тарқатилди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Anjuman

КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Янгийўл туманидаги Гулбахор саноат касб-хунар коллежида «Юртимиз саноатини ривожлантиришда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг аҳамияти» мавзусида илмий-услубий семинар бўлиб ўтди.

Агросаноат мажмуи тармоқларида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш, ёшларни маҳалла мутахассис сифатида шакллантириш ва ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган анжуманда Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари, коллеж жа-

моаси ва ўқувчилар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилган эътибор ва бу ёшларга кенг имкониятлар эшигини очаётгани хусусида гапирилди. Шундан сўнг

«Ўзбекистонда агромаркетинг сиёсати», «Халқаро стандартларнинг Ўзбекистондаги ривожланиши ва қўлланилиши» мавзусида маърузалар тингланди.

Тадбир якунида ўқувчилар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларига доир саволларига батафсил жавоб олишди.

Ҳикматилла ТЎЛИБОЕВ,
коллеж ўқитувчиси

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ МУҲИМ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида «Амалий инглиз, француз, немис ва испан тили бўйича тайёрланган ўқув режа, дастур ва ўқув материалларидан самарали фойдаланиш» мавзусида Республика илмий-амалий ва методик семинари бўлиб ўтди. Мазкур университет ва турдош олий таълим муассасалари ҳамкорлигида ўтказилган анжуманда профессор-ўқитувчилар билан бирга изланувчан талабалар ҳам фаол иштирок этди.

Илмий-амалий анжуманда Британия Кенгаши директори Стив Макналти ўқув материалларини яратиш ва инглиз тилини ўрганишда ўқув-услубий қўлланма ва замонавий электрон дарсликнинг аҳамияти хусусида тўхталди.

Чет тилини ўргатишда тез, фойдали ва самарали усулларни топши, турдош олий таълим муассасалари хорижий тиллар кафедраларининг илмий салоҳиятини юксалтиришда таянч олий таълим

даргоҳларининг вазибалари, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш борасидаги маърузалар эътибор билан тингланди.

Олим ЖУМАБОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ОИЛА — МАКТАБ — МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ

Маҳалламиз болалари... Бу жумлани жуда кўп эштамиз. Чунки боланинг қизиқишлари, катта-кичикка муносабати нафақат оила ва мактабда, балки маҳаллада ҳам шаклланади. Маҳалладошлар орасидаги муомала, миллий қадриятларга ҳурмат туйғуси бола ахлоқ-одобига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун маҳалла ва унинг ўзига хос аънавалари ҳақида кичик ёшдаги ўқувчиларга қанча кўпроқ тушунча берилса, шунча фойдали.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 287-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Гулнора Отахўжаева ташкил этган тадбир ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Болалар ижро этган саҳна кўринишлари, ёддан ўқилган шеърларда маҳалланинг ёшлар қамоли, жамият мустақамлигида тутган ўрни ва аҳамиятининг тоғди ва таъсирчан изҳори ўз аксини топди.



МУХБИРИМИЗ

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

— Таълим муассасамизда ҳар бир дарс ахборот технологиялари имкони- ятларидан тўла фойдаланган ҳолда ўтиляптики, бу мавзунини мукаммал ўзлаштиришимизга имкон яратмоқда, — дейди Тошкент молия институтини молия-иқтисод факультети 2-босқич талабаси Мадинабону Абдуллаева. — Айтилиши, дарсда маъруза тақдимот шаклида ташкил этилса, баъзи тушун- чаларнинг моҳиятини схема ёки слайддаги чизма орқали яхшироқ тушуна- ман. Бундан ташқари, ахборот-ресурс марказида мустақил машғулотлар олиб бориб, марказ базасидаги дарслик, адабиёт ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланамиз. Бу бизнинг дунёқарашимизни кенгайтириб, салоҳиятимизни ошириш, юртимизнинг эртанги иқтисодий тараққиёти йўлида бел боғлаган етук мутахассис бўлиб етишишимизга хизмат қилаяпти. Таъкидлаш ўринли- ки; бугунги кунда ахборот-ресурс марказлари нафақат адабиётлар йиғин- дисини, балки глобал ва локал тармоқни умумлаштирувчи, ички тармоқ ичида китобларнинг электрон вариантларини, шунингдек, маъруза, амалий ва му- стақил машғулотлар ва талабаларнинг билимларини синовдан ўтказувчи материалларни мужассамлаштирган ўқув-услубий мажмуаларни етказиб бе- рувчи маконга айланган.

графия ва экология» фанидан И.Абдул- қосимов, М.Алиева, С.Қораева, «Давлат молия- сини бошқариш» фанидан А.Шернаев, «Давлат қарзла- рини бошқариш» фанидан Қ.Таджибаева, «Маҳаллий молия» фанидан Ш.Жали- лов, «Солиқ ва солиққа тор- тиш»дан А.Жўраев томони- дан зamonaviy талаблар асосида тайёрланган ўқув- услубий мажмуалар дарс ва машғулотларнинг мазмунан бой, қизиқarli ўтишига са- баб бўлаётир.

— Дарс соатларидан тўлиқ ва самарали фойда-

Qaror va ijro

бойитамиз. Мана шундай тартибда тинимсиз изла- ниш ва бой тажриба асо- сида такомиллаштирилган ўқув-услубий мажмуа, электрон туркум ўқув жа- раёнига татбиқ этилади. Бундан ташқари, электрон тўпламда мустақил машғу- лотлар учун етарли мате- риаллар берилгани тала- балар учун ҳам айнаи му- дао бўлмоқдаки, улар бўш вақтларида ҳам дарсда ту- шунмаган ўринларини так- рорлаш, ўзлаштириш им- конига эга бўлишмоқда.

Мажмуаларнинг элект- рон вариантлари ўқув да- стурларига мос бўлган ўқув адабиётида муайян соҳа бўйича билимларни ва унинг ўзига хос жиҳат- ларини қамраб олмақда ҳамда ўқув адабиётлари билан таъминланиш дара- жасини оширмоқда. Ўқув- услубий мажмуаларнинг бу каби қулайликларига дарс жараёнларини кузатиб

ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ таълим сифати ва самарадорлигини оширади


Дарҳақиқат, юртимизда- ги барча олий таълим му- ассадларида таълим жара- ёни самарадорлигини оши- риш мақсадида ўқув-услубий мажмуалар яратиш бо- расида изчил саъй-ҳаракат- лар олиб борилмоқда. Юр- тобимизнинг ўтган йили қабул қилинган «Олий таъ- лим муассасаларининг мод- дей-техник базасини мус- таҳкамлаш ва юқори мала- кали мутахассислар тайёр- лаш сифатини тубдан яхши- лаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан ҳам моддий-техник базани мус- таҳкамлаш ва модернизаци- ялаш билан бирга, илгор педагогик технологиялар ва ўқитиш шакллари жорий этиш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш масаласи ҳам ва- зифа сифатида қўйилган. Хусусан, барча фанлар бўйича ҳар бир ўқитувчи- нинг зamonaviy педагогик ва ахборот технологиялари, шунингдек, мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда билим беришга мўлжалланган 6000та ўқув- услубий мажмуадан айни кунда 3000дан зиёددарининг электрон вариантлари яра- тилган. Ҳўш, Тошкент молия институтидан ана шу йўна- лишдаги натижалар кўнгил- дагидеми?

— Дарс машғулотларида янги педагогик технология- ларни жорий этиш орқали ўқув-услубий фаолиятни ях- шилашга, ахборот-коммуни- кация технологияларини жорий қилиш орқали таъ- лим жараёни сифатини яна- да оширишга катта эъти- бор қаратилаётир, — дей- ди институтнинг ўқув ишла- ри бўйича проректори Ак- рам Каримов. — Бу икки то- монлама фаолликка эри- шишга, талабада мунозара, музокара юритиш кўникма- сини қарор топтиришга, на- зарий билимнинг малакага айланишини таъминлашга ва шунингдек, мустақил таъ- лимнинг самараси янада

ошишига олиб келади. Ин- ститутда ўқитиладиган 294 фандан ўқув-услубий маж- муа, электрон тўпламлар янги талаб асосида яратил- ган бўлиб, уларнинг тайёр- ланиш сифати факультет ва кафедралар кесимида ўтка- зилган тадқиқотларда, экс- пертлар ҳайъати йиғилиш- ларида кўриб чиқилган. Электрон тўпламларнинг ту- зилиши ва мазмунини мунта- зам равишда такомиллаш- тирилиб ва тўлдирилиб бо- рилади. Зamonaviy иннова- цион технологиялардан фойдаланиб ўқув маш- гулотларини ўтиш учун ўқитувчининг касбий маҳо- ратини оширишга ҳам жид- дий эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда таълим ва тарбияни янги сифат босқ- ичига олиб чиқувчи ўқув-ус- лубий мажмуаларнинг шак- ли қандай бўлиши, у ўзида нималарни мужассамлашти- риши, қандай талабларга жавоб бериши кераклиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Умуман, ўқув-услубий мажмуа, электрон тўплам- нинг қулайликлари нимада?

— Ўқув-услубий мате- риаллар етарли ва тўлиқ бўли- ши дарс самарадорлиги- нинг асосий мезонидир, — дейди институт ўқув бошқ- армаси раҳбари Турсунбой Боймуродов. — Боиси, ўқув- услубий мажмуалар тегиш- ли фан бўйича харита, календарь-режа, амалий маш- гулотлар режаси, адабиёт- лар рўйхати, саволномалар, таянч сўз ва иборалар рўйхати, маъруза матнлари тўпламлари, мустақил иш мавзулари, тарқатма мате- риаллар, интерфаол дарс ўтиш материаллари, тест ва бошқаларни ўзида мужас- самлаштиради. Бу борада- ги тўпланган тажриба ва дарс давомидида кузатув- ларга асосланиб, ҳар йили мажмуаларнинг такомил- лаштирилган шакллари иш- лаб чиқилади. Яна бир эътиборли жиҳат, электрон тўплам тайёрлаш асосида ўқув-услубий қўлланма ва дарслик яратиш учун ҳам тажриба тўпланади. Шунин-



гдек, ўқув-услубий мажмуа- ларнинг асосий қулайлиги ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга шароит яратилаётганида кўзга ташланади. Қолаверса, бар- ча ўқув-услубий қўлланма- ларнинг электрон шакллари мавжудлиги, институт ахо- рот-ресурс марказида «ИР- БИС» автоматлаштирилган электрон каталог тизими- нинг ишлаб келаётганлиги, 3та компьютер залидаги 210та компьютерда ёшлари- миз интернет, «ZiyoNET» тар- моғи билан бир қаторда, ички тармоқ орқали бирик- тирилган фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуалардан фойдаланаётгани натижа- сида дарсларда олган билим- ларини такрорлаб, интел- лектуал салоҳиятини ошир- моқда.

Маълумот ўрнида келти- радиган бўлсак, бу саъй- ҳаракатлар институтда мо- лия, пул муомаласи, кредит, бухгалтерия ҳисоби, иқти- содий таҳлил, аудит, макро- лаб иқтисодиёт каби барча йўналишдаги фанлардан та- лабалар фаоллиги ошиши- га, ўқув жараёни юксалиши- га улкан ҳисса қўшаяпти. Мисол учун, «Иқтисодий гео-

ланиш таълимнинг асосий шarti ва талаби бўлса-да, маъруза ёки амалиёт машғулотларида талабанинг эътиборини мавзуга жалб этиб, диққатини ушлаб ту- риш осон эмас, — дейди иқтисод фанлари номзоди Одилжон Комилов. — Ай- ниқса, бугунги ахборот технологиялари даврида зamonaviy билимларни ўзлаштирган ёшларга эски услуб ва ёндашувлар билан ilm улашиб бўлмай- ди. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойда- ланиш эса дарсни тўла ва мазмунли етказиб бериш- га хизмат қилади, ранг- барангликни таъминлай- ди.

— Кафедрамиз ўқитув- чилари томонидан жами 20та фан бўйича бакалавр ва магистратура йўнали- шидидаги талабаларга сабоқ берилади, — дейди «Мо- лия бозори ва қимматли қоғозлар» кафедраси му- дири Фарида Ҳамидова. — Ҳар бир фан бўйича иш- лаб чиқилган ўқув-услубий мажмуа ўқув йили бошида янгиланади, келгуси ўқув йилида эса жорий йилги тажрибалар билан янада

ишонч ҳосил қилса, ҳатто ҳар бир мавзу юзасидан кўплаб мисоллар келтирса бўлади. Ўқув жараёнининг бу каби ҳар жиҳатдан та- комиллаштирилаётгани эса ёшларнинг илмий са- лоҳиятида яққол намоён бўлмоқда. Институтнинг асосий устувор йўналиши сифатида «Иқтисодиётни модернизация қилиш ша- роитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқ- лаштиришнинг илмий асослари» мавзуси белги- лаб олинган ва мазкур йўналиш доирасида ҳам илмий-тадқиқотлар олиб борилаётир.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасаси- да истиқболда таълим жа- раёнининг педагогик ва ахборот-коммуникация те- хнологиялари, ахборот ресурслар билан таъмин- ланишини янада яхшилаш бўйича яна бир қатор ва- зифалар белгилангани, бу янгиланишлар малака- ли мутахассислар тайёр- лаш сифати ва самарадор- лиги ошишига хизмат қилади.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

ЭНГ БИЛИМДОНЛАР

Ўтган ўқув йилидан амалиётга татиқ қилинган билимлар беллашуви ўқувчиларнинг қобилиятини эрта аниқлаш, иқтидорини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш билан бирга, таълим муассасалари ва ҳудудий бошқарув идоралари фаолиятига баҳо беришнинг ҳолис шакли сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Бу йил билимлар беллашуви ўтган йилги тажрибалар ва педагогик жамоатчиликнинг таклифлари асосида тақомиллаштирилган низом асосида ташкил этилди.

Фанлар сони 10тадан 16тага оширилиб, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар учун билимлар беллашувини алоҳида-алоҳида ўтказиш йўлга қўйилди. Таълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларининг рейтингини аниқлаш, жарима ва рағбат балларини қўллаш механизми ҳам тақомиллаштирилди.

Bilimlar bellashuvi

Республикаимизнинг барча ҳудудларида январь — апрель ойларида ўтказилган танловнинг биринчи босқичида 1 294 250 нафар, иккинчи босқичида 240 349 нафар, учинчи босқичида эса 9894 нафар ўқувчи иштирок этди. 1—3 май кунлари 5та ҳудудда ташкил этилган республика босқичида 830 нафар ўғил-қиз билимларини синовдан ўтказди.

Халқилувчи босқичида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртача 81,3 балл, ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари эса 75,7 балл тўплашди.

Жамоавий натижаларга кўра, умумтаълим мактаблари орасида Бухоро вилояти, Тошкент шаҳри, Навоий вилояти вакиллари юқори ўринларни эгаллашди.

Бухоро вилояти ўқувчилари рус тили, инглиз тили, тарих, ҳуқуқ, математика, кимё, биология, география фанларидан 90 балдан юқори натижа қайд этган бўлса, Тошкент шаҳри вакиллари немис тили, француз тили, физика, иқтисод фанларидан шундай кўрсаткичга эришишди. Навоийлик ўқувчилар эса она тили фанидан 95,88, физика фанидан 91,80 балл тўплади.

Ихтисослаштирилган мактаблар бўйича эса Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ўқувчилари юқори ўринларни банд этишди.

Беллашувнинг республика босқичида иштирок этган иқтидорли ва интилувчан ўқувчиларни рағбатлантириш, билимларини янада ривожлантириш мақсадида Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари ташкил қилинмоқда — Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг Чимён кўрғонидаги «Қуёшли» оромгоҳида 500 нафар ўқувчи дам олади.

Шунингдек, оромгоҳда ўқувчилар тажрибали профессор-ўқитувчилар, таникли шоир-ёзувчилар, санъаткорлар иштирокидаги турли тадбирлар — маҳорат машғулоти, мушоиралар, танлов ва мусобақаларда дунёқарашини кенгайтириб, билимини янада мустаҳкамлаш имкониятига ҳам эга бўлади.

Умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида фанлар бўйича ўтказилган билимлар беллашувининг республика босқичида 1-ўринни эгаллаган ўқувчилар рўйхати

№	Ўқувчининг исми, фамилияси ва отасининг исми	Вилоят	Туман	Мактаб	Синф	Фан
1.	Рустамова Мафтуна Улугбек қизи	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	11-ИДУМ	5	Она тили ва адабиёт
2.	Муродуллоева Динара Илёс қизи	Самарқанд вилояти	Тайлоқ тумани	29	6	Она тили ва адабиёт
3.	Рустамова Дилноза Улугбек қизи	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	11-ИДУМ	7	Она тили ва адабиёт
4.	Болтаева Гуландон Алишер қизи	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	11-ИДУМ	8	Она тили ва адабиёт
5.	Палуанбаева Азада Байрамбай қизи	Қорақалпоғистон Республикаси	Чимбой тумани	41	5	Қорақалпоқ тили
6.	Абдуллаева Айзада Насрилла қизи	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораўзак тумани	22	6	Қорақалпоқ тили
7.	Қосназарова Улбосин Куанишбаевна	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораўзак тумани	10	7	Қорақалпоқ тили
8.	Бердимуратова Сарбиназ Алламуратовна	Қорақалпоғистон Республикаси	Кегайли тумани	55-ИДУМИ	8	Қорақалпоқ тили
9.	Юлдашева Камила Адилевна	Тошкент шаҳри	Миробод тумани	60-ИДУМ	5	Рус тили ва адабиёти
10.	Назаров Валентин Игорьевич	Хоразм вилояти	Урганч шаҳри	3-ИДУМ	6	Рус тили ва адабиёти
11.	Самиева Нигина Баҳодир қизи	Бухоро вилояти	Ғиждувон тумани	21	7	Рус тили ва адабиёти
12.	Ниязмуратов Аҳмед Алишер ўғли	Хоразм вилояти	Ҳазорасп тумани	2	8	Рус тили ва адабиёти
13.	Тоғаймуродова Комила Фахриддин қизи	Қашқадарё вилояти	Китоб тумани	2	5	Ўзбек тили
14.	Турсунбаева Камила Тажибаевна	Қорақалпоғистон Республикаси	Хўжайли тумани	7	6	Ўзбек тили
15.	Сариева Ферузабону	Қорақалпоғистон Республикаси	Қўнғирот тумани	50	7	Ўзбек тили
16.	Юсупова Нилуфар Тўлқин қизи	Тошкент шаҳри	Бектемир тумани	291	8	Ўзбек тили
17.	Абдурахмонова Дилдора Ғайратовна	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	11-ИДУМ	7	Инглиз тили
18.	Хайдарова Мадина Хайрулло қизи	Бухоро вилояти	Когон тумани	1-ИДУМ	8	Инглиз тили
19.	Усмонова Нарғиза Самандар қизи	Бухоро вилояти	Шофиркон тумани	28	7	Немис тили
20.	Ким Юлия Лазаревна	Тошкент шаҳри	Чилонзор тумани	280	8	Немис тили
21.	Собилов Умид Обиджон ўғли	Тошкент шаҳри	Чилонзор тумани	162	7	Француз тили
22.	Абдуқаҳҳоров Алишер Абдувоҳидович	Тошкент шаҳри	Чилонзор тумани	162	8	Француз тили
23.	Комилов Камрон Фирдавс ўғли	Бухоро вилояти	Ғиждувон тумани	62	6	Тарих
24.	Худойбердиев Дилшод Ҳамзаевич	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	17	7	Тарих
25.	Салохова Сарвиноз Садрриддин қизи	Тошкент вилояти	Паркент тумани	4	8	Тарих
26.	Комилжонов Ҳожиакбар Сойибжон ўғли	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри	4-ИДУМИ	8	Ҳуқуқ
27.	Нусратуллоев Жавахир Жонпўлат ўғли	Бухоро вилояти	Ғиждувон тумани	65-ИДУМ	5	Математика
28.	Камолов Бехзод Ҳамид ўғли	Бухоро вилояти	Шофиркон тумани	4	6	Математика
29.	Жумабоев Хушбахт Миллавоӣ ўғли	Тошкент вилояти	Бўстонлиқ тумани	44	7	Математика
30.	Жўрақулов Шаҳоб Чўён ўғли	Бухоро вилояти	Қорақўл тумани	42	8	Математика
31.	Васильев Илья Владиславович	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	1-ИДУМ	8	Информатика
32.	Ҳасанов Жонибек Норбой ўғли	Қашқадарё вилояти	Китоб тумани	1-ИДУМИ	7	Физика
33.	Фармонов Муҳаммад Нуралиевич	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	1-ИДУМ	8	Физика
34.	Раҳматуллоев Рустам Шавкат ўғли	Бухоро вилояти	Шофиркон тумани	15	8	Кимё
35.	Аҳмедова Малика Шўҳрат қизи	Бухоро вилояти	Ғиждувон тумани	15	6	Биология
36.	Аҳророва Саида Омон қизи	Сирдарё вилояти	Боевўт тумани	23	7	Биология
37.	Ҳамдамов Жавлон Бахтиёр ўғли	Сирдарё вилояти	Гулистон шаҳри	ХТИМИ	8	Биология
38.	Пўлатова Қувончой Даврон қизи	Хоразм вилояти	Гурлан тумани	5	6	География
39.	Маҳмудов Абдумўмин Абдумажид ўғли	Тошкент вилояти	Паркент тумани	1	7	География
40.	Валижонов Санжар Дилшод ўғли	Тошкент шаҳри	Учтепа тумани	203	8	География
41.	Мўминов Дилшодбек Бекмурод ўғли	Фарғона вилояти	Қува тумани	32	8	Иқтисод

ФОНИБ

Ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари ўртасида фанлар бўйича ўтказилган билимлар беллашувининг республика босқичида 1-ўринни эгаллаган ўқувчилар рўйхати

T/p	Ўқувчи тўғрисида маълумот					
	Ўқувчининг исми, фамилияси ва отасининг исми	Вилоят	Туман	Мактаб	Синф	Фан
1.	Араббоева Мохиноу Акмал қизи	Қашқадарё вилояти	Қасби тумани	11-ИДУМ	5-синф	Она тили ва адабиёт
2.	Меҳриддинова Юлдуз Эркиновна	Самарқанд вилояти	Пастдарғом тумани	28-ИДУМ	6-синф	Она тили ва адабиёт
3.	Олимова Севара Одилжон қизи	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	11-ИДУМ	7-синф	Она тили ва адабиёт
4.	Ғайбуллаева Зилола Ғайбулло қизи	Навоий вилояти	Хатирчи тумани	ИДУМИ	8-синф	Она тили ва адабиёт
5.	Рипназарова Улбосын Пердебаевна	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри	22-ИДУМ	5-синф	Қорақалпоқ тили ва адабиёти
6.	Генжебаев Азийбек Сапарбаевич	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри	2-ИДУМ	6-синф	Қорақалпоқ тили ва адабиёти
7.	Шамуратова Дилназа Муратбаевна	Қорақалпоғистон Республикаси	Қўнғирот тумани	34-ИДУМ	7-синф	Қорақалпоқ тили ва адабиёти
8.	Давлетова Айжамал Ерназар қизи	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри	2-ИДУМ	8-синф	Қорақалпоқ тили ва адабиёти
9.	Уразгулова Алина Дамировна	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	4-ИДУМ	5-синф	Рус тили ва адабиёти
10.	Инамова Асаль Орифжановна	Тошкент шаҳри	Чилонзор тумани	103-ИДУМ	6-синф	Рус тили ва адабиёти
11.	Убайдуллаева Камила Анваровна	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	4-ИДУМ	7-синф	Рус тили ва адабиёти
12.	Авамилова Эльвина Алиевна	Навоий вилояти	Учкудук тумани	3-ИДУМ	8-синф	Рус тили ва адабиёти
13.	Полвонжонов Давлат Раҳмонжонович	Фарғона вилояти	Сўх тумани	1-ИДУМ	7-синф	Ўзбек тили
14.	Аҳмаджонов Шохид Зиёрозда ўғли	Фарғона вилояти	Сўх тумани	1-ИДУМ	8-синф	Ўзбек тили
15.	Абдуқодинова Сетора Нодир қизи	Қашқадарё вилояти	Яккабоғ тумани	14-ИДУМИ	7-синф	Инглиз тили
16.	Орипова Наргиза Толиб қизи	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри	1-ИДУМИ	8-синф	Инглиз тили
17.	Гула Алёна Дмитриевна	Тошкент шаҳри	Миробод тумани	60-ИДУМ	7-синф	Немис тили
18.	Рамазонов Бехруз Фахриддинович	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	4-ИДУМ	8-синф	Немис тили
19.	Файзуллаева Зиёда Забиҳилло қизи	Тошкент шаҳри	Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги	Хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	7-синф	Француз тили
20.	Ҳамрокулов Муҳаммадмин Жамол ўғли	Бухоро вилояти	Ғиждувон тумани	62-ИДУМ	8-синф	Француз тили
21.	Худойкулова Сабина Ботировна	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	11-ИДУМ	6-синф	Тарих
22.	Усмонкулов Шерзод Илҳом ўғли	Сирдарё вилояти	Мирзаобод тумани	33-ИДУМ	7-синф	Тарих
23.	Ҳикматов Наврўз Ҳасанович	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	11-ИДУМ	8-синф	Тарих
24.	Отоҳонов Темур Нарзуллаевич	Сурхондарё вилояти	Олтинсой тумани	2-ИДУМ	8-синф	Ҳуқуқ
25.	Тошпўлатов Абдулазиз Абдулатиф ўғли	Қашқадарё вилояти	Китоб тумани	1-ИДУМИ	5-синф	Математика
26.	Абдусаломов Нуриддин Жаҳонгир ўғли	Фарғона вилояти	Олтиариқ тумани	1-ИДУМ	6-синф	Математика
27.	Хайруллаев Аҳадбек Муҳаммад ўғли	Сирдарё вилояти	Боёвут тумани	1-ИДУМИ	6-синф	Математика
28.	Хуррамова Назокат Абдуҷабборовна	Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри	4-ИДУМИ	7-синф	Математика
29.	Қўзибоева Нозима Ёқубжон қизи	Сирдарё вилояти	Боёвут тумани	1-ИДУМИ	8-синф	Математика
30.	Расулов Жамшид Қаҳрамонжон ўғли	Фарғона вилояти	Данғара тумани	1-ИДУМИ	8-синф	Информатика
31.	Рўзимова Дропади Уктаи қизи	Хоразм вилояти	Шовот тумани	53-ИДУМ	7-синф	Физика
32.	Мун Влада Владимировна	Тошкент шаҳри	Мирзо Улугбек тумани	50-ИДУМ	8-синф	Физика
33.	Атоев Синдор Ғофурович	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	11-ИДУМ	8-синф	Кимё
34.	Ботирова Йрода Мақсуд қизи	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	11-ИДУМ	6-синф	Биология
35.	Самадов Сардор Зиёдулло ўғли	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	11-ИДУМ	7-синф	Биология
36.	Мадаминова Муҳлиса Акмалжон қизи	Фарғона вилояти	Вилоят тасарруфидаги	4-ИДУМИ	8-синф	Биология
37.	Бобоева Дилора Жамшид қизи	Бухоро вилояти	Қорақўл тумани	43-ИДУМ	6-синф	География
38.	Рихсибоев Азизжон Акмалжон ўғли	Тошкент шаҳри	Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги	Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	8-синф	Иқтисод

ЎҚУВЧИННИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРИ

тренинг услубидаги дарсларда шаклланади

Ўқувчида мустақил фикрлаш қачон юзага келади? Мавзу муҳиятини англаб, ўзаро мунозараларда билим ва тушунчасини мустаҳкамлай олса, ҳақиқатга яқин ёки нотўғри фикрлар орасидан ўзи учун зарур хулосани чиқаради. Шунингдек, мустақил фикрлаш учун мавжуд маълумотларни ҳар томонлама таҳлил қилиш зарур. Айниқса, тарих дарсларида ўрганилаётган воқеани иккинчи бир ҳудуддаги жараёнлар билан таққослаш усули ҳам ўқувчининг ҳолис ёндашувини таъминлайди. Мана шундай машғулотларда ўқувчи ўз имкониятларини англаб, ўзгалар фикрини тушуниб, бошқалар билан фаол муносабатда киришиши ва натижада мустақил фикрлаш қўникмаси ривожланиб боришига тажрибада кўп бор гувоҳ бўлганман.

Тренинг машғулотларида ўқитувчи дарсга берадиган ёки шу фанга қизиқмайдиган ўқувчиларни юмшоқ ва самимий оҳангда ўқув жараёнига тортиши лозим. Акс ҳолда биргина ноўрин дакии синфдаги самимий ва очик мулоқотга ҳалал бериши мумкин. Дарсда ахборот-коммуникация технологиялари ва кўргазмali воситалардан унумли фойдаланиш ҳам ўқувчиларнинг изланувчанлик ва мантиқий фикрлаш қобилиятини ўстиришда яхши самарага эга.

Мактабимизнинг 6-синфлари ўртасида юқоридиғи услубларга таянган ҳолда ташкил этилган тренинг дарсларини синовдан ўтказдик. Мавзунини ўрганишда 6-«А» синфда тренинг услубида, 6-«Б» синфда анъанавий тарзда машғулот ташкил этилди. Якунда мавзу юзасидан тест олинганда самарадорлик тренинг услубида машғулот ташкил этилган синфда 90 фоизни, анъанавий тарзда машғулот олиб борилган синфда 75 фоизни ташкил қилди.

Акмал ҒАНИЕВ,
Олмазор туманидаги 298-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

ҚИЗИҚҚАН БОЛА ЎРГАНАДИ

Фанга оид тушунчаларни ўқувчига кундалик ҳаёт билан боғлаб етказиш замонавий таълимнинг устувор вазифасига айланган. Масалан, кимё фанида модданинг тузилишини тарқалиши, хоссалари, ишлатилиши, аҳамиятини қуруқ гапириб берсангиз, ўқувчилар зерикади. Шу боис мавзунини ҳаётий ҳикоялар, қизиқарли воқеалар, тажрибалар асосида тушунтириб, саволларга илмий-мантиқий жавоб қайтариш лозим. 8-синф ўқувчиларига «Ион алмашилини реакциялари» мавзусига оид савол берилган:

— Даниянинг «Лего» фирмаси нима сабабдан пластмассадан ишлаб чиқариладиган болалар конструктор ўйинчоқларига борий сульфат тузини қўшади?

Жавоб: Бундай туз эрмайди, одам организми учун зарарсиз, рентген тасвирларида аниқ кўринади. Шу боис мабодо бола ўйинчоқни ютиб юборган тақдирда ҳам осонгина топиб олинади.

IX синф ўқувчиларига «Оксилар» мавзуси ўтилаётганда «Хом тухумни пишганидан қандай ажратиб олиш мумкин?» деган савол ўртага ташланади. Турри, бу жуда оддий савол, лекин ўқувчинини фикрлашга ундайди.

Жавоб: Пишган тухум текис жойда, узок вақт айланиб туради. Хом тухум эса тўхтаб қолади. Сабаби, пишши натижасида тухум ичидиғи моддалар яхлит ҳолга келади. Хом тухунинг ичидиғи суяклик эса пўст билан мустаҳкам боғланмагани боис, узок вақт айлана олмайди.

Айрим ўқувчилар кимё фанига умуман қизиқмайди. Бу муаммони бартараф этиш учун аввало, дарсга меҳр уйғотиш лозим. Айниқса, дарслик билан мустақил ишлаш қўникмасини шакллантириш мумкин аҳамиятга эга. «Китобни ўқиш давомида турилган саволларга алоҳида эътибор беринг ва муаллиф эътибор қаратмаган жиҳатларни белгиланг кўйинг» деган топшириқ берилса, ўқувчинини фикрлашга йўналтириш, мавзунини ихтиёрий равишда ўрганишига туртки бўлиши мумкин.


Охириг йилларда кимё соҳасидаги ихтироларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Биз ҳар кун ишлатадиган пластмасса жиҳозлардан тортиб, кийимларни кимёвий усулда тозалашгача – барчаси олимлар сай-ҳаракатлари билан яратилаяпти. Шу боис ривожланган давлатларнинг аксариятида кимё сановати ривожланишига катта эътибор қаратилаяпти. Шу боис дарсда фанга доир энг сўнгги илмий кашфиётлар билан ўқувчиларни таништириб бориш ҳам фойдадан холи эмас.

Холмда МАҲМАДАЛИЕВА,
Қарши шаҳридаги 35-умумтаълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси

Sportga oshno bolalar

Соғлом бола юз-кўзидан, хатти-ҳаракатидан, фикрлашидан билиниб туради. Ота-она борки, ўғил-қизининг жисмонан бақувват бўлишини истайди. Бунинг учун юртимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдалана олган оилаларга эса фарзандлари орқасидан кетма-кет раҳматлар ёйилаверади.

ОТАСИНИ «МОТ» ҚИЛГАН ЎҒИЛ



Ота-онанинг қизиқиши фарзандларига ҳам ўтар экан. Уйимизга ошма-оғай-ниларим келса, шахмат тахтасидан соатлаб бош кўтаролмаймиз. Ҳозир Марғи-лон шахридаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 8-синфда ўқитган ўғлим Иброҳим ҳам ёнимиздан жилмасди. Ўқитувчи бўлганим учун унинг қизиқишларини тезда англадим. Беш-олти ёшли-

гадаёқ шахмат доналарининг ҳаракатлашиш қоидаларини биларди. «От ўрнини той босар» деганларидек, ҳозир мен билан ўйнаса, бемалол «мот» қила олади. Бу уни 7 ёшида мактабимиздаги «Ёш шахматчи» тўғрагига берганимиз самарасидир. Иброҳим мураббийси Алишер Рустамовдан турли комбинацияларни ўрганиб, уч марта вилоят чемпионлигини кўлга киритди. 2011 йили Учқўприк туманида ўтказилган республика биринчилигидан голиб бўлиб қайтганида кўлини қаттиқ сиқиб қўйдим.

Ўғлимнинг навбатдаги муваффақияти «Умид нихоллари» мусобақасининг финал босқичига йўл олиши бўлди. Мен унга ҳам ота, ҳам мураббий сифатида оқ йўл тилайман. Иброҳим Навоийда ҳам оту филларини моҳирона ўйната олиши шубҳасиз.

Адҳамжон ЭМИНОВ
Марғилон шахри

ҚИЗИМ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ...

Қизим Севара сал нимжонроқ бўлиб ўсди. Жуссаси тенгдошларидан анча кичик кўринарди. Таниш-билишлар қизингиз гимнастика билан шуғулланса қадди-қомати тик, танаси тўғри ривожланиб, дейишди. Машгулотларга чин дилдан қирисса, чемпион бўлиши ҳам ҳеч гап эмас, деган гапларга, табиийки, бошида ишонмаганим. Шундай бўлса-да, уни Қарши шахридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадий гимнастика тўғрагига олиб бордим.

Ушанда Севара эндигона 8 ёшга қадам қўйганди, дастлаб ҳеч кўника олмади. Чунки бу нафис спорт тури сиртдан қараганда энгил кўрингани билан ритмик ҳаракатларга жуда катта маъно-мақсад юкланар экан. У ўстози Вера Катаеванинг жуда талабчанлиги ҳақида гап очса, «Бу яхшиликка, қизим», дея далда берардим. Кейинчалик ўзини бадий гимнастикасиз тасаввур қила олмай қолди. Севаранинг қадди-қомати, хатти-ҳаракатларида ижобий ўзгариш кузатила бошлади. Тўлишган, чиниққан қизимни кўрганамда кўзларимга ёш келади. Келажак авлодга шу даражада ғамхўрлик ва эътибор қайси мамлакатда бор?

Спортнинг куч-қудратини қарангки, ўша нимжон, жуссаси кичик қизалогим бугун бадий гимнастика бўйича кўпбал нуфузли мусобақалар совриндори бўлди. Яқинда Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида ўтган халқаро турнирда хориқлик тенгқурлари қатори муваффақиятли иштирок этиб, Ўзбекистонда ҳам бу спорт тури ривожланиб бораётганини амалда намойён этди.

Севара ҳозир Навоий шахрига «Умид нихоллари» спорт уйинларининг финал босқичига отлаши арасида турибди. Фарзандларимизнинг сафарлари бехатар бўлсин, юзлари ёруғ бўлиб қайтишсин!

Елина ҚОБИЛОВА

Қарши шахри

НАВОИЙ СПОРТ БАЙРАМИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ КУТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Умид нихоллари — 2012» спорт уйинлари муносабати билан шаҳарда кўплаб спорт иншоотлари барпо этилди, мавжудлари таъмирланди. Жумладан, умумий майдони 14,8 гектардан иборат янги замонавий спорт мажмуаси қурилди. Ушбу нуфузли спорт байрамининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари айнан шу ерда ўтказилади. Маъмуа ўн мингдан ортиқ томошабинни ўз бағрига оладиган стадион ва 42х30 метрга тенг иккита спорт залига эга.

Маъмур спорт байрамига тайёргарлик доирасида вилоят кураш мактабининг ўқув-машгулот заллари ҳам қайта жиҳозланди. Унинг 432 нафар ишчибозга мўлжалланган асосий залига махсус қопламалар ётқизилди. Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли «Сўғдийёна» спорт клубининг узунлиги 50, чуқурлиги 2,5-2,8 метрли саккизта сузиш йўлагига таъмирланди. Волейбол,

футбол, кўл тўпи бўйича мусобақалар ўтказиладиган Навоий давлат педагогика институтига ҳузуридаги академик лицейнинг спорт майдони, «Навоийа-зот» очик акциядорлик жамиятига қарашли «Кимёгар» стадиони талаб даражасига келтирилди.

Айни пайтда вилоятда мазкур спорт анжумани иштирокчиларини қутиб олиш, уларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтишини таъминлаш, мусобақаларни юқори савияда ташкил этиш, маданий-маърифий тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари Навоий давлат педагогика, кончилик институтлари, компьютер технологиялари, маданият ва санъат, индустриал-иктисодиёт ва спорт коллежлари талабалари ётоқхоналарига, шунингдек, «Қизилқумцент», «Навоийазот» очик акциядорлик жамиятлари тасарруфидаги сихатгоҳлар, «Навоий» ва

«Ёшлик» меҳмонхоналарига жойлаштирилди. Навоийда спорт шаҳарчаси ҳудуд, янги 100 ингли ётоқхона ва икки юз ўринли ошхона барпо этилди. Ётоқхоналар, мусобақалар ўтказиладиган барча иншоотларда спортчилар ва меҳмонлар учун зарур барча шарт-шароитлар яратилди, жумладан, махсус жиҳозланган тиббиёт хоналари ташкил этилди.

Маданий-маърифий тадбирлар режасида «Умид нихоллари — 2012» мусобақалари қатнашчилари ва меҳмонларини вилоятдаги Сардоба, Қосим Шайх мажмуалари, Мирсаид Баҳром мақбараси ва бошқа тарихий ёдгорликлар билан таништириш ҳам кўзда тутилган. Улар Нуротага саёҳат қиладилар, «Навоий» эркин индустриал-иктисодий зонасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишадилар.

Ёрқул УМАР,
Ўза Мухбири
М.АМИН (Ўза) олган суратлар.

МУРАББИЙЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Моҳир спортчи бўлсанг, бир ўзинг юқори кўрсаткич ютуқларга эришиш учун меҳнат қилсан. Мураббий эса ана шу масъулиятни икки қарра кўпроқ ҳис этади. Бунинг учун, аввало, спорт соҳасида чўқур билим ва катта тажриба талаб қилинади. Эндигина буй чўзиб келаётган навниҳол спортчиларни тарбиялаб, жаҳон ареналарига олиб чиқиш учун сабр-матонат ҳам керак.

Шогирдларимдан Фарход Тўраев Ўзбекистон дзюдо тарихида илк бор жаҳон чемпионатининг қумуш медали совриндори бўлган. Улардан бир нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, беш нафари халқаро тоифадаги спорт устаси, 20дан ортиғи спорт устаси, 100дан ортиғи эса спорт усталигига номзод. Қамол Муродов, Мансур Жумаев, Раъмзидин Саидов, Асадулло Бозоров, Ҳикмат Куртов, Акобир Туробов, Алишер Қурёзов, Рўзимурод Сапаров, Миршод Ражабов ва улар ортидан келаётган шогирдларим муваффақиятлари билан бениҳоя фахрланаман. Дзюдо ва кураш бўйича спорт устаси, дзюдо бўйича икки қарра жаҳон чемпиони — Ришод Собиров ҳам 5-синфдан бизнинг интернатимизда ўқиган. Ушанда у ҳамма нарсасига, устоз ва мураббийларига ҳайрат билан боқувчи кичкина йигитча эди. Ҳозир эса уни ҳамма ёшлар ҳавас билан тилга олади.



Рустам ТЎРАЕВ,
Бухоро вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 7-олимпиа спорт мактаб-интернати директори, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори, ўзбек курашидан халқаро тоифадаги, дзюдо курашидан миллий тоифадаги ҳаким

Андижон шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид нихоллари — 2012» спорт мусобақаларининг минтақавий саралаш босқичида андижонлик ўқувчи-ёшлар кўл тўпи ҳамда футбол бўйича биринчиликини эгаллаб, мусобақанинг республика Бийсенова ва Гулмийра Қулиметова турли мусобақаларда юқори кўрсаткичларга эришиб, жамоанинг энг яхши аъзолари номига сазовор бўлишган.

Volleybol

Уч йилдан буён волейбол билан шуғулланиб келаётган Раҳима Рейимова бу каби йирик мусобақада биринчи мартаба иштирок этаётгани учун жиддий тайёргарлик қўраётганини айтиди.

— Олдинлари «Умид нихоллари», «Барқамол авлод», Универсиадада ўйинларини телекөрсаткич орқали томоша қилар эканмиз, қачондир мен ҳам шу ёшлар қаторида туриб, кенг майдонда қобилиятимни синовдан ўтказаман, дея ният қилардим. Бугун шу бахтга эришдим. Умид қиламанки, якуний босқичда биз албатта ғалабани кўлга киритамиз. Бунинг учун имкониятимиз етарли, — дейди у.

Азамат ПИРНИЯЗОВ
Қорақалпоғистон Республикаси

Мувваффақиятга эришиш учун боҳиш ва шунга яраша ҳаракат керак. Парвозга шай туринг, юксакликка интилинг, шунда ғалаба сиз томонда бўлади!

Чиндан ҳам жамоа аъзолари орасида иқтидорли спортчилар та-

лайгина. Жумладан, минтақавий саралаш ўйинларида фаоллик кўрсатиб, тенгдошларига ўрнак бўлган шахрихонлик Достон Тошалиев, Бурхониддин Жамоллиднов, марҳуматлик Дилшодбек Идрон, Булқободишдан Комрон Илёсов каби ёшлар ҳар бир кунни ғанимат билиб, махсус машгулотлардан ташқари, тажрибали устоз-мураббийлардан маҳорат сабақларини ўрганишди.

— «Умид нихоллари — 2012» мусобақаларининг республика босқичи ўзaro дўстлик руҳида ўтиши, шубҳасиз. Ахир бу беллашулар бутун республика ёшларини жипслаштирувчи бирдамлик ва спорт байрамига айланган, — дейди жамоа аъзоси, Марҳамат туманидаги 39-умумтаълим мактаб-интернатида мунтазам равишда машгулот ўтмоқда.

Нурилло НЎМОҲОВ
Андижон вилояти

МАҒЛУБИЯТДАН ҒАЛАБАГА ЙЎЛ ИЗЛАЙМАН

— Мактабимиздан олти нафар ўқувчи спорт гимнастикаси бўйича «Умид нихоллари»да қатнашади. Мусобақаларда омадимиз келишига ишонамиз. Мураббийимиз Фаррух Зокиров билан тинимсиз финал-олди машгулотларини ўтказяпмиз. Спорт гимнастикасининг мураккаб ва ўзига хос томонларини турли усуллар орқали ўргати. Тошкентда бўлиб ўтган республика биринчилиги, Фарғонада ўтказилган «Олимпия умидлари» турнирида муваффақиятли

иштирок этиб, тажриба ортирдик.

Имкониятни бой берган пайтларимиз ҳам бўлди. Бироқ биринчи синфимдан буён шу спорт тури билан шуғулланиб, аввалги мағлубиятлардан тўғри хулоса чиқариб, хатони такоррамасликка ҳаракат қилганман. Дадам Расул Шамсиев ҳам «Мағлубият — ғалабага яқинлаштирувчи йўл» деб кўп такрорлайди. Лекин инсон ҳадеб ютқазшига ҳам ўрганиб қола, маслиги, кейинги гал кўли баланд келиши учун қаттиқ шуғулланиши зарур.

ДЎСТУ ДУТОНА БЎЛАМИЗ

Назира Эралиева, Дарья Супрумова, Дарья Чернишова, Матлуба Гуломжонова, Викторина Шильниковская, Хуршида Расулова, Карима Тошбоева ва Диана Шукеевалардан иборат баскетбол бўйича Наманган вилояти қизлар терма жамоаси аъзоларининг мусобақа олдидан орзулари бир олам.

— Мамлакатимизда болалар спортга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликдан мамнунмиз. Фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар муҳайё. Айниқса, хотин-қизлар спортини ривожлантириш борасидаги саяё-ҳаракатлар таҳсинга сазовор, — деди терма жамоа бош мураббийи Илҳомжон Нугманхўжаев. — Вилоятимизда ўқувчи-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, иқтидорли ва қобилиятли қизларни кўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар самара бермоқда. Энг асосийси, ота-оналар қизларининг спорт билан шуғулланиши нафақат саломатлигига, балки уларнинг қадди-басти гўзал бўлишига ҳисса қўлишини англаб етишган. Бу юртдошларимиз онгу шурида спортга, айниқса, қизларнинг спорт билан шуғулланишига муносабат тубдан ўзгаргани белгисидир.

— Бизнинг давримизда қизлар учун спорт билан шуғулланишга шароит йўқ эди, — дейди Вик-

Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ
Наманган вилояти

Sportga oshno bolalar

ТОҒАСИГА ҲАВАС БИЛАН

Ўғлим Бобурни полвонлардек бақувват, иродали ва тиришқоқ бўлсин деб, 9 ёшида шахримиздаги «Алломиш» кураш мажмуасига бошлаб бордик. Бизни тўғрақ раҳбари Сафар Қосимов очик чехра билан қутиб оларкан, «Жуда тўғри ўйлабсиз, кураш тушишни ўрганган бола ҳаётда қўқилмайди», дея ўғлимни ҳам, мени ҳам руҳлантирди. Шундай қилиб, тоғаси Ражаб полвонга ҳавас қилган ўғлимнинг ҳаётида туб бурилиш ясалди. Тоғаси мусобақаларда, тўйларда манаман деган полвонларнинг курагини ерга текизган.

Биз тонгда ҳали Бобуржонни уйғотмасдан аввал ўзи сапчиб туриб кетади, юз-кўлини ювиб, спорт кийимларини эгнига иладио «Сурхон» мажмуасига шошилади. Яқинда қурилиб фойдаланишга топширилган бу спорт иншоотида Бобур каби юзлаб мактаб ўқувчиларини кўриш мумкин. Бири юғурди, бири бадантарбия қиладди, бошқаси турникка осилади — хуллас, машқ ва яна машқ.

Баҳром БАКАЕВ
Сурхондарё вилояти

Суратда: Бобур (ўндан биринчи) машҳур спортчи Абдулла Тангриев билан.

ЎҒЛИМ, ОЛГА ИНТИЛГИНИ!

Ўғлим Темур кураш билан шуанча бўлди. Унинг лимли, тафаккури бўлиши учун гоҳи-қилдим, баъзан таинобатга олдим. Бошлангич синфни учун болалиги-психологиясига, оқилона ёндашиш

Саъдуллаев эркин гулланаётганига ҳар томонлама бикенг, фикри теран да қаттиққўлик лабларини ҳам Онаси Саломатхон ўқитувчиси бўлгандан Темурнинг хоҳиш-иродасига

Темур кичкина-қўлчаларига бокс

рақибига зарба беришни ўрганган. Ҳовлида юғурар, мактабда турникка осилиб, мускулларини ривожлантирарди. Кейинги уч йилда сузиш бўйича мусобақаларда ўзини тоблаб, «Умид нихоллари»нинг республика босқичида иштирок этиш имкониятини кўлга киритди. У мураббийи Дадашон Аннаков билан ҳар кун суз ҳавзасига шошилади. Мунтазам машқ қилиши натижасида ўғлим сувда ҳудди балик каби сузадиган бўлди. Катъиятли, ўз мақсадида етмасдан қўймайди. Ишонамани, Навоийдан голиб бўлиб қайтади.

Анвар СУЛТОНОВ,
истеъфодаги майор

Хоразм вилояти

УМИДАДАН УМИДИМ КАТТА

настика марказига қатнади. Мураббийлари омон бўлсин, тез орада қизимнинг маҳорати ошганини сездим.

Икки йилдирки, Умида сув спортни бўйича малакасини оширяпти. Баъзида «Спорт»нинг барча турларини ўзлаштирдим, энди чемпионликка даъвогарлик қилсам ҳам бўлади» дейди ярим чин, ярим ҳазил оҳангиди.

Уни «Умид нихоллари» спорт мусобақаларига йўл олаётганидан хурсандман. Қизимнинг кўнглида катъий ишонч, менда эса катта умид бор. Ўзбекистоннинг жасур ўғлонлари, билимдон қизлари қатори у ҳам жаҳон ареналарида ғалаба қозониб, юртимиз байроғини баланд кўтаришига ишонаман.

Амина ОТАЖОНОВА

May — xorijiy tillar fan oyligi

ИНГЛИЗ
ТИПИДА ОЧИҚ
ДАРС

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 297-мактабда хорижий тиллар фан ойлги доирасида очик дарс бўлиб ўтди.

Инглиз тили ўқитувчиси Ш.Ақбарова ўқувчиларни 4 гуруҳга бўлиб, машгулот олиб борди. Турли ўқув услублари, янги педагогик технологиялар, интерфаол усуллар ёрдамида ўқувчилар фаоллиги таъминланди. «Fairly-puzzle» (сехрли жумбок) мозаикасини йиғиш гуруҳлар орасида соғлом рақобатни кучайтирди.

«Эртактлар — яхшиликка етаклар» мавзуси орқали жажжи қалбларга эзгу кадриятлар, инсонийлик каби тушунчалар сингдирилди.

МУХБИРИМИЗ

Таълим самарадорлигини таъминлаш, ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини оширишда интерфаол усуллардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Айниқса, немис тили фани дарсини

бериш асносида икки халқнинг яшаш тарзи, ўзига хос жиҳатлари қиёсланса, мавзунини ўзлаштириш оsonlashadi.

7-синф немис тили дарслигидаги „Die Mahalla“ мавзуси ҳам миллати-

АНЪАНАЛАР
УЙГУНЛАШГАН МАВЗУ

ноанъанавий тарзда ташкил этиб, мавзуларни ҳаётини мисоллар билан бойитиш яхши натижа беради.


6-синф „Assalom Deutsch“ дарслигидаги „Die Familie“ мавзусини тушунтиришда бугунги давр талабларини ўқувчилар онгига сингдириш керак. Дарсликда оила бакуват чинор дарахтига ўхшатилиб, шох-шабалари эса фарзанд ва набираларга менгзалган. Ўқувчиларга янада қизиқарли бўлиши учун ҳар бир мавзу рангли суратлар билан бойитилган. Дарсликнинг 37-саҳифасида немис oilalari ҳақида маълумот

мизга хос ота-онага ҳурмат, меҳроқибат, Ватанга садоқат каби маънавий тушунчаларни ўқувчилар қалбига етказишга хизмат қилади.

Хорижий тилларни ўқитишда мавзуларни миллий урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимиз билан уйғунлаштириш дарсининг янада қизиқарли ва тушунарли бўлишини таъминлайди.

Замира Тўраева,
Косон туманидаги 91-мактабнинг
немис тили ўқитувчиси,
халқ таълими аълочиси
Воҳида Йўлдошева,
ЎЗМУ магистри

ҒАЗАЛЛАР ИНГЛИЗЧА ЯНГРАГАНДА...



Пойтахтимиздаги 105-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Матлуба Раҳматова мавзуларни амалиётга боғлаб, миллий анъаналаримиз асосида тушунтиришга интилади.

Унинг болаларни Табиат ва Темурийлар тарихи давлат музейларига олиб бориб ўтаётган «Our environment» («Бизнинг табиат»), «Travelling» («Саёҳат») каби машгулотлари ўқувчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Яқинда

Матлуба Раҳматова «Алишер Навоий» мавзусида тарбиявий соат ташкил этди. Ўқувчилар инглиз тилида буюк бобокалонимизнинг ғазал ва ўғитлардан ўқиди.

Ун саккиз йиллик иш тажрибасига эга педагогнинг шогирдлари инглиз тили бўйича фан олимпиадаси ва билимлар беллашувида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

“СИМПОЗИУМ”
ДАРС УСЛУБИ

Таълим самарадорлигини оширишда ноанъанавий дарсларнинг аҳамияти катта. Аммо машгулот шаклини танлашда ўқувчиларнинг ўша пайтдаги ҳолатидан келиб чиқиш зарур. Бунда ўқитувчи ўз тажрибасига суяниб, янги-янги ёндашувларни киритиши мумкин. Фаолиятим давомида кўп қўллайдиган «Симпозиум» дарс услуби ҳам ана шундай ҳаётини эҳтиёж маҳсулидир.

Дарсда ўқувчилар икки гуруҳга бўлиниб, ўзаро мусобақалашади. Уларга ўндан зиёд топширик берилади. Бошқа синфлардан «эксперт» ўқувчилар тақлиф этилса, янада қизиқарлироқ бўлади.

Дастлабки вазифа «Бир дақиқада тўғри топ» тести уй вазифаси ва аввалги грамматик мавзунини қамраб олади. Кейин бошқа фанларни инглиз тилига боғлаш учун математикага оид саволлардан иборат «I am scientist» (Мен олимман) топшириги берилади. «Who knows more?» (Ким кўп билади?) ўйини орқали ўқувчиларнинг қанча сўз бойлигига эгаллиги синаб кўрилади. «It is interesting» (Бу қизиқ) бўлимида кейинги

Sinab ko'ring

дарсларда учрайдиган маълумотлар берилади. Дарслик «Games, games» (Ўйинлар, ўйинлар) қисми илгари ўтилган ва янги мавзуга асосланиб ташкил этилади. «Grammar» (Грамматика) машгулотиде ўқувчилар гап тузиш, таржима қилиш, матнга савол қўйишга ўргатилади. Уларнинг дарсдаги фаоллиги, гуруҳи шарафи учун курашиши рағбатлантириб борилади.

Янги мавзунини тушунтиришни ҳам ўйин асосига қуриш мумкин. Грамматик қоидалар тест шаклида изоҳланса, матн эса «Ким тез таржима қилади?», «Кимнинг хотираси зўр?» каби усуллар орқали ўргатилади.

Янги мавзунини ўқувчи тушуниб етган-етмаганини ўзаро мунозара (dispute) йўли билан тезда аниқлаш мумкин. Бунда ҳар бир ўқувчининг иштироки гуруҳига балл олиб келади. Шу боис ҳам янги мавзу мустақамланади, ҳам болалар фаоллиги ошади. Шартларни гуруҳ бўлиб баҳарлишга алоҳида аҳамият қаратилади.

Дарсга яқун ясашдан олдин ўқитувчи ўз мақсадига эришди-йўқми, билиб олиши керак. Дастлаб «Эксперт» гуруҳи ўз фикрини айтиди, кейин ўқувчилар муносабатини билдиради. Кейин ўзлаштирилган билимлар тест ёрдамида синовдан ўтказилади. Сўнгги хулоса ўқитувчига галдаги дарсга тайёрлашни учун замин бўлади.

Фароғат УМАРОВА,
Балиқчи туманидаги
38-ИДУМИнинг инглиз тили фани
ўқитувчиси

МОҲИР ПЕДАГОГ

Инсон умрини оқар сувга қиёслашди. Ана шундай шошқин умр лаҳзаларида бу ҳаётни беэаб тургувчи инсонларнигина илғай оласан. Инсон номини баланд тутувчи, шу номга муносиб, сурати ва сийрати олим бўлганлар, юз-кўзларидан-да илм зиёси, маърифат нури ёйиладиганлар кўп дунёда. Улар ютуқлари билан керилмайдилар: эришганлари осмон қадар буюк бўлсада, ўзлари замин қадар вазмин бўладилар. Касблари, фаолиятлари билан ўзларини эмас, билимни, аждодлар тафаккурини кўрсатишга интилиб яшайдилар.

Илм — ёмғир сувига, илм ўрганувчилар заминга ўхшатилади. Шундай ерлар бор: ёмғир сувини шимиб, бутун борлиқни намлик билан таъминлайди. Ўзлари ўрганиб, бошқаларга ҳам ўртададиган устозлар ана шу серҳосил ерга ўхшатилади. Шундай зиёли устозларимиздан бири халқ таълими аълочиси, «Дўстлик» ордени соҳиби, моҳир педагог Омонилла Мадаевдир.

Омонилла Мадаев 1942 йил 20 майда Тошкентда туғилган. Болалик йиллари Чорсу, Хадра, Чақар, Бешёғоч мавзелирида ўтди. Ўрта мактабни тугатиб, Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)га ўқишга кирди. 1964 йилда меҳнат фаолиятини Фулом Каримов, Субутой Долимов, Айюб Фуломов, Озод Шарафидинов, Лазиз Қаймов, Мухаммаднор Саидов каби устозлар билан ҳамкорликда шу университетда бошлади.

1973 йили «Хоразм дostonларининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Ўзбекистон телевидениесининг «Иншо қандай ёзилади?», «Чашма», «Инсон ва табиат», «Тил — маданият кўзгуси», «Сомон йўли», «Камалак» кўрсатувларида ва кўпгина ОАВда адабиёт, одоб-ахлоқ, халқ оғзаки ижоди мавзуларида чиқишлар қилди. Кўп йиллардан

буён Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси доценти бўлиб ишлаб келмоқда.

1995-1996 йилларда журналистика факультети декани сифатида соҳага етуқ мутахассислар етказиб беришга ўз хиссасини қўшди.

«Алпомиш билан суҳбат», «Халқ оғзаки поэтик ижоди» каби ўндан ортиқ дарслик, ўқув қўлланмалар, рисоалар ва 100дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

Омонилла Мадаев — моҳир педагог. Устознинг дарсларида кўп бора иштирок этганмиз. Талабалар мавзу баёнини ашула эшитгандек тинглашди. Негаки, домлада ўзига хос маъруза қилиш услуби мавжуд. Юзга яқин талаба ўтирган аудиториядаги сукунатнинг боиси ҳам шундан. Талабалар домланинг маърузаларини онасидан эртат тинглаётган боладек бутун вужудлари қулоққа айланиб

тинглайдилар. Негаки, домла воқеликни образли, жонли ифодалаш маҳоратини пухта эгаллаган. Ғайрат, қизиқиш ва ўзгача завқ билан устозга тикилган нигоҳларнинг боиси шундан.

Омонилла Мадаевнинг фидокорона саъй-ҳаракатлари туфайли талабалар китоб мутолаа қилишга ўргатилмоқда. Ҳозирги техника жадал ривожланган, китоб мутолаа қилиш муаммога айланиб бораётган бир пайтда устоздан сабоқ олган талабаларнинг аксарияти «Алпомиш»ни ёд олган, десак муволаа қилмаган бўламиз. Унинг ҳар бир жумласига аҳамият бериб, ҳар бир сатридан маънавий, зиё қидириб мутолаа қилмоқдалар.

Омонилла Мадаевни ҳамкасблари чўқур ҳурмат қилишади. Устознинг билимига, иқтидорига, нозик жиҳатларга-ча кўра билиш қобилиятига ҳавас қиладилар.

Зўлхумор ХОЛМАНОВА,
филология фанлари доктори
Зиёдулла ҲАМИДОВ,
филология фанлари номзоди

Fanimiz fidoyilari

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИГА КЎМАК

Вилоятда жорий йил бошидан бун «Микрокредитбанк»нинг Андижон филиали томонидан 103 нафар битирувчига жами 276 миллион сўмдан зиёд кредит ажратилди.

Юртбошимиз коллеж битирувчиси шунчаки ишга жойлаштириш эмас, балки ўз бизнесини юритишга кўмаклашиш масаласини кун тартибига кўйгани оқилона сиёсат инъикосидир. Бу кўплаб янги иш ўринлари яратилиши, маҳсулот ишлаб чиқаришга рағбатнинг кучайиши ва ички бозорни тўлдириш имконини беради. Бунинг учун давлат томонидан имтиёзли кредитлар ажратилаётгани эса ёшларнинг ишбилармонлик сари одимларига янада ўқшқинлик бахш этмоқда.

Жорий йилда Андижон вилоятдаги касб-хунар коллежларини 107 йўналиш бўйича 47025 нафар ўқувчи битиради. Уларнинг айримлари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида имтиёзли кредит олиш учун тижорат банкларига мурожаат қилишди. Шу йилнинг ўзига имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига 878 нафар битирувчининг иш билан бандлигини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Ўқувчиларни ўз бизнесини яратишга даъват қилиш борасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тегишли буйруқлари асосида иш олиб боришмоқда. Андижон давлат университетида ўқув-услубий семинарлар ташкил этилаётти. Унда коллежларнинг махсус фанлар ўқитувчилари қатнашиб, бизнес соҳасида болаларга етказиладиган билимларни ўрганишмоқда. Апрель ойда «Ўз бизнесингизни яратинг» мавзусида уч кунлик семинар-тренинг ўтказилди.

— Ўқувчи бизнес, солиқ моҳиятини чуқур билмайди, — дейди университетнинг академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари бўйича проректори Мухаммаджон Тўраев. — Бундай ўқувчиларни ташкил этишдан мақсад хусусий тадбиркорлик, давлат рўйхатидан ўтиш тартиблари ҳақида тушунақ беришдан иборат. Ус-

тозлар эса буну ўқувчиларга ўргатишди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси вилоят кенгаши билан ҳамкорликда «Диплом билан бизнесга» лойиҳаси асосида ташкил этилган ўқув-семинарларда ҳам 1033 нафар битирувчи иштирок этди. Улар-



га худди шу йўналишларда тушунчалар берилди.

Битирувчиларнинг тадбиркорликка қизиқишини вилоят тижорат банклари ҳам қўллаб-қувватламоқда. Чунончи, «Микрокредитбанк»нинг Андижон филиалида кредитлар имтиёзли равишда учинчи шахс кафилиги асосида навбатдан ташқари берилаётти. Ҳисоб рақамлари очишда эса чегирмалар қўлланилаётти.

— Кредитни қайтариш учун олти ойлик имтиёз даври белгиланган, — деди банкнинг кредит бўлими бошлиғи Алишер Ҳасанов. — Шу даврда маблагнинг устама фоизига тўлаб борила-

ди, холос. Бу эса ёш тадбиркорларнинг оёққа туриб олишида муҳим аҳамият касб этаяпти.

Вилоятда жорий йил бошидан бун «Микрокредитбанк»нинг Андижон филиали томонидан 103 нафар битирувчига жами 276 миллион сўмдан зиёд кредит ажратилди. Шунинг ҳисобига 106та янги иш ўрни яратилди. Мисол учун, Асака тумани Юқори Тувадоқ маҳалласида яшовчи Ёдгорой Ганижонова Асака маиший хизмат коллежига ўқишга кирган

Tashabbusning qanoti

— Корхона раҳбари ҳам, дизайнер-модельери ҳам ўзим, — дейди у қулиб. — Ҳозирча аёлларнинг либослари устидан иш олиб бораёямиз. Маҳсулотларимиз бичимида европача ва шарқона андозалардан фойдаланаётганимиз буюртмачиларнинг кўпайишига сабаб бўлаяпти.

Исломбек Эргашев эса Андижон маиший хизмат коллежини битиргач, қулочни каттароқ ёйди. У «Ucell» уяли алоқа компаниясининг Асака шаҳридаги филиалини ташкил қилди. Бунинг учун «Микрокредитбанк»дан 30 миллион сўм кредит олди.

Жалакудук педагогика ижтимоий-иқтисодий коллежи битирувчиси Наргиза Жиянова «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳасида республика солиблигини қўлга киритган эди, унга банкнинг 3 миллион 145 минг сўмлик имтиёзли кредити берилди. Наргиза бу пулга қўшимча 5та тикув машинаси сотиб олиб, бизнесини янада кенгайтди. Ҳозир беш нафар шогирдининг қўлидан иш келиб қолди. Кредитнинг устама фоизлари эса, лойиҳа низомига кўра, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тўлаб борилаётти.

Ишбилармон ёшлар сафи кенгаётгани Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшувчилар сони ортаётганидан дарак. Ҳукуматимизнинг коллеж битирувчилари тақдирига бу тариқа ёндашуви японларнинг «Оч кишига балиқ эмас, қармоқ бер» мақолини ёдга солади. Бошқача айтганда, бизда иш жойини яратиш учун маблағ ажратилаётти. Бундан оқилона фойдаланаётганлар даромадини кўпайтирибгина қолмай, ўзи каби битирувчи ёшларни иш билан таъминлашга ҳам уринишмоқда. Юртбошимиз кутанган натижа ҳам айнан шудир...

О. СИДДИҚОВ,
Н. ЭРГАШЕВ

«ТАРАҚҚИЁТ» САБОҚЛАРИ ёшларнинг тадбиркорлик ишларига кўмаклашади

Навоий вилояти «Тараққиёт» минтақавий тадқиқот маркази Олий Махлис ҳузурдаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловда ўз лойиҳаси билан иштирок этиб, «Фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ислохотларни янада чуқурлаштиришда ёшларнинг иштироки ва масъулиятини ошириш» мавзусида давлат грантини қўлга киритди.

Ушбу лойиҳа доирасида ўтказилган навбатдаги семинар-тренинг бугунги кунда устувор вазифалардан ҳисобланган ёшларни кичик бизнесга йўналтириш ва тадбиркорлик асосларини ўрганишга бағишланиб, «Ёшлар тадбиркорлиги: самарали бизнес юритиш сирлари» деб номланди.

Тадбирни ташкил этиш жараёнида марказ ходимлари «Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар — ёшлар нигоҳида» мавзусида социологик сўровнома ўтказишди. Шундан келиб чиқиб, семинар-тренинг машғулотларига етакчи иқтисодчилар билан бирга, Марказий банк тизимидаги муассасалар, давлат солиқ инспекцияси, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, Давлат мулк қўмитаси ҳамда суғурта компаниялари вакиллари тақлиф этилди.

Семинар-тренингда иштирок этган Кармана, Қонимех, Қизилтепа туманлари ва Навоий шаҳридаги касб-хунар коллежларининг директор ўринбосарлари ва тадбиркорлик асослари курси бўйича дарс берувчи ўқитувчилар назарий ва амалий билимларини оширдилар. Жумладан, «Микрокредитбанк»нинг бўлим бошлиғи Анвар Мардиевнинг банкдаги кредитлар, им-

тиёзлар, шарт-шароитлар ҳақидаги ахбороти, Навоий шаҳар давлат солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи Нодир Жуманазаровнинг тадбиркорлик субъектларига солиқ солишдаги янгиликлар, иқтисодчи, мустақил эксперт Дамир Нурмухамедовнинг «Бизнес бошлашдаги таваккалчилик» мавзусидаги чиқишлари интерфаол мулоқот усулида олиб борилиб, қатнашчилар учун фойдали бўлди.

Шу билан бирга, марказ томонидан тадбиркорлик ва кичик бизнесни бошловчи ёшлар учун услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, китобда бизнес режа тузиш бўйича маслаҳатлар, ўз ишини очишда зарурий ҳужжатлар тайёрлаш, банкда ҳисоб рақами очиш, бухгалтерия ҳисоби ҳамда солиқлар каби муҳим масалалар кенг ёритилган.

Интернетда ташкил этилган www.taraqqiyot.com сайти ҳам ёшларга тегишли ҳуқуқий, ижтимоий-психологик кўмак бериш мақсадини қўллаб, тадбиркорликни бошлаш фаолиятига оид ахборотлар жамланган.

Семинар-тренинг сўнггида қатнашчилар ўзлаштирган янги маълумотлари доирасида тест саволларига жавоб бериб, тегишли сертификат олдилар. Энди улар ўз фаолияти давомида касб-хунар коллежлари ўқувчилари ва ёш тадбиркорлар орасида семинар-тренингда эгалланган иқтисодий билимларини кенг тарқатадилар. Зеро, мамлакатимизнинг раванг топиб, аҳолининг фаровон яшаши тадбиркорлик ва кичик бизнес ҳабаҳсининг нечоғлиқ тараққий этишига боғлиқ.

Қобил ШОИМОВ,
«Тараққиёт» минтақавий тадқиқот маркази
директор ўринбосари, лойиҳа раҳбари

Jarayon

Мақтабимизда таълим олаётган 917 нафар ўқувчини касбга йўналтиришда ёшлар меҳнат ва фан тўғрисидаги ҳамада спорт секцияларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Меҳнат ўқитувчиси Зулхумор

Мақсудова миллий хунармандчилик тўғрисида

очиб, ўқувчиларга зар-

да Сартена туризм маиший хизмат, енгил саноат маиший хизмат, Самарқанд автомобиль йўллари, маиший хизмат ахборот-коммуникация технологиялари касб-хунар коллежлари ва бир қатор академик лицейларда «Очк эшиклар кун» ташкил этилаётти.

Албатта, бундай сай-харакатлар ўз натижаси-

ЁШЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ

бу ҳақда бугун қайғуриш керак

дўзлик, дизайнер-модельерлик каби йўналишлар бўйича хунар сирларини ўргатиб келмоқда. Ўқувчилар расмчилик каби фан, шахмат-шашка каби спорт тўғрисида ҳам қўшимча сабоқлар олишмоқда. Мақтабимизда меҳнат ва фан тўғрисида 610 нафар, спорт секцияларида 211 нафар ўқувчилар жалб этилган.

Ўқувчиларга тўғри касб танлашда ёрдам бериш мақсадида синф раҳбарлари ҳамда касбга йўналтирувчи ўқитувчилар билан ҳамкорлик-

ни бераётти. Ўтган 2010 — 2011 ўқув йилида илм масканимизни тугатган 120 нафар битирувчи шахримиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттиришмоқда. Жорий ўқув йилида эса 100 нафар битирувчининг академик лицей ва касб-хунар коллежларида қамраб олиш бўйича йилма йиллар тайёрлаб қўйилди.

ИРОДА АХМЕДОВА,
Самарқанд шаҳрида-
ги 50-умумтаълим
мактаби директори

Инсонлар маънавиятини юксалтиришда аҳоли, айниқса, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда музейларнинг алоҳида ўрни бор. Музейлар тарих, маданият ва санъатнинг хазинаси деб таърифланади. Улар турли-туман ноёб ва қимматбаҳо моддий ҳамда маънавий бойликлар — сир-синаотга тўла экспонатлари орқали кенг оммага шонли тарих ҳақида тасаввур берувчи маскан.

Бир қарашда музейни маданий ёдгорликлар, турли ахборотларни сақлаши нуқтаи назаридан архив ёки кутубхоналар билан бир қаторга қўйиш мумкин. Бироқ уни мазкур илмий муассасалардан фарқловчи икки муҳим жиҳат бор. Биринчидан, музей экспонатини матн ёки ҳужжатлар сингари турли ахборот ташувчи воситаларга (масалан, электрон) ҳар доим ҳам кўчириб бўлмайди. Иккинчидан, музейда ҳудудий борлиқ, уни жиҳозлаш тамойиллари кўп даражада муҳимроқ саналади.

Ҳозирги кунда ижтимоий институт сифатида музейлар янгича кўриниш касб этмоқда, янгича маънаво эга бўлмоқда. Эндиликда улар нафақат моддий-маданий меросни асровчи ва келажақ авлодга етказувчи муассаса, балки ижтимоий ҳаётнинг фаол ажралмас қисми ҳамдир. Бинобарин, музейлар ўз халқи, унинг кўп асрлик тарихига муҳаббат, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва маданий анъаналар, озодлик, мустақиллик моҳиятини теран англаб етадиган фуқароларни, баркамол авлодни тарбиялашда кўмак беради.

Пойтахтимизда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2001 йил 1 майда қабул қилинган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ бунёд этилган «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуидидаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ҳам ана шундай тарбиyaviy масканлардан биридир. Музейни ташкил этишдан асосий мақсад фидойи, ватанпарвар аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ҳаёт йўлини ёш авлодга ўрнак қилиб кўрсатиш, бугунги

ердаги тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган.

Мустақиллик йилларидагина аждодларимиз олдидаги инсоний бурч адо этилиб, бу гўша обод манзилга айлантирилди ва уларнинг руҳини шод этиш мақсадида ёдгорлик

18-may — Xalqaro muzeylar kuni



ча бта бўлим кенгайтирилиб, юртимизда чор Россияси истилоси ва собиқ иттифоқ тузуми давридаги мудҳиш қатағонлар тарихини ҳамда шахид кетган ватандошларимизнинг

қали ёритиб бериш, қатағон даври тарихини ўрганиш учун давлат тасарруфидagi ва хусусий архивлар, кутубхоналардаги янги ҳужжатлар, фотосуратлар, турли буюмлар билан музей экспозицияси доимий равишда бойитиб борилмоқда. Шу давр ва унинг қурбонларига бағишланган плакатлар, тақвимлар, рисолалар, китоблар, ҳужжатли фильмлар яратиш сингари илмий-тадқиқот йўналишлари бўйича кенг кўламда ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Музей залида зиёратчилар, жумладан таълим муассасалари ўқувчилари, талабалари учун хотира муқаддаслиги, қадр абадийлиги, миллий анъаналарга ҳурмат ва садоқат мавзуларида суҳбат ва маърузалар уюштирилмоқда. Зеро, Юртбошимиз 9 май куни Хотира майдонида таъкидлаганидек, «Тарихий хотира — бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни тоғташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачигидек асраш демакдир».

Бу борада амалга оширилган ишларнинг энг салмоқлиси сифатида 2009 йилдан буён «Тарихнинг номаълум саҳифалари» тўпламининг нашрдан чиқарилиб келинаётганини қайд этиш жоиздир. 2012 йили музейнинг 10 йиллиги арафасида ушбу тўпламининг 3-китоби нашрдан чиқарилди.

Юқорида қайд этганимиздек, жорий йилда музей ўз фаолиятининг 10 йиллигини нишонлайди. Ҳозирги кунда комил ишонч билан айтиш мумкин, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи оддий музей эмас, балки ёш авлодга яқин тарихий ўтмиш ҳақида ҳикоя қилувчи, уларни Ватанга муҳаббат, аждодлар анъанасига садоқат, тараққиётга интилиш, бағрикенглик, турли жараёнларни мушоҳада этиш руҳида тарбияловчи маънавият ўчоғидир.

Тождидин
НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Фанлар академияси
«Қатағон қурбонлари
хотираси» музейи
касаба уюшмаси
раиси

УЙҒОҚЛИККА ЧОРЛОВЧИ МАСКАН



тинч ва дориломон кунлар қадрига етиш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.

Аслида мазкур музейнинг айнан Тошкент шаҳридаги Бўзсув соҳилида барпо этилиши бежиз эмас. Қарияларимизнинг айтишларича, бир вақтлар айнан шу ерда ёлғиз юришга киши юраги бетламас экан. Шу қаровсиз ерда халқимизнинг не-не асл фарзандлари отиб ташланган. Зулм ва зўравонликка асосланган бе-шафқат шўролар тузуми даврида миллий ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган маърифатпарвар ватандошларимизнинг жасаdlари шу

ўрнатилди. Эндиликда бу манзил дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, айрилиқ дарду ғами билан яшаб келаётган қатағон қурбонларининг қавму қариндошлари, бутун халқимиз зиёрат қиладиган муқаддас қадамжого айланди.

2007 йил 31 августда Президентимиз Ислоҳ Каримов музейга ташрифи чоғида ушбу музей фаолиятини янада такомиллаштириш, қатағон қурбонлари тарихи ва аччиқ қисматини янада кенгроқ ўрганиш ҳамда акс эттириш мақсадида унга қўшимча бино барпо этиш ҳақида айтиб ўтди. Аждодларимизнинг миллий анъаналарига хос, нафақат бугунги кун, балки келажақ учун ҳам гоёат муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжат ва экспонатларни кенг намойиш этиш лозимлигини таъкидлади. 2008 йил 5 май куни эса давлатимиз раҳбарининг «Қатағон қурбонлари хотираси» музейининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарор ижросини таъминлаш мақсадида музейда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Аввалги концепция бўйи-

номи ва хотирасини, шунингдек, миллий-маданий меросимиз, бетақдор анъаналаримизни қайта тиклаш бўйича истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли ишларни ўзида чуқур акс эттирган, янги-янги архив ҳужжатлари, тарихий маълумотлар, илмий шарҳ ва изоҳлар, замонавий техник воситалар билан бойитилган 10та бўлимдан иборат янги экспозиция ташкил этилди.

Юртимиз фуқаролари, айниқса, ёш авлоднинг тарихимизга, тарихий хотирага бўлган муносабатини шакллантирган ҳолда миллий ўзлигини англаши, ўз тарихидан фойдаланиш туйғусини уйғотиш учун «Қатағон қурбонлари хотираси» музейида ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Музейнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаси эканини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Илмий ходимлар томонидан мулақкачилик даврида рўй берган фожиали воқеаларни, мамлакатимизда яшаган кўп миллатли халқларнинг қатағон этилиш тарихини ўрганиш ва музей воситалари ор-



ЛА-НИНЬЯ
ТУГАДИ

АҚШ Миллий метеорологик хизмати Иқлим ўзгаришлари маркази Ла-Нинья ҳодисаси якунлангани ҳақида хабар берди. Таъкидланишича, сўнгги 60 йил ичидаги энг кучли мазкур табиий феномен аслида ўтган йили баҳорда якунлангандек эди. Лекин жорий йилнинг қишида қутилмаганда у яна қайта кузатилган. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ҳозирга келиб Ла-Нинья чиндан ҳам якунланган ва энди Тинч океани маълум муддатга сокин бўлади. Мавзуга оид янгилик «Ер обсерваторияси» («Earth Observatory») манбасида берилди.

Ла-Нинья ва Эль-Ниньо бутун Тинч океани ҳавзаси об-ҳавосига таъсир кўрсатадиган Жанубий осцилляция, яъни йиллар давомида сувнинг устки қатламида кузатиладиган мунтазам ҳарорат ўзгариши ҳодисасининг қарама-қарши феноменлари ҳисобланади, деб таъкидлашмоқда мутахассислар. Хусусан, Ла-Нинья океанининг тропик қисмига нисбатан совуқ сувлар ва кучли пассат(тропиклардан экваторга доимий эсиб турадиган қуруқ шамол)ларни олиб келади. Натижада, ғарбда (Австралия, Индонезия) ёнгинларнинг кузатилади, Шимолий Америка жанубида эса ақсична қурғоқчилик бошланади. Атмосфера жараёнларининг бу каби ўзгаришлари баъзида ҳатто Атлантика ва Ҳинд океанларига ҳам таъсир кўрсатар экан. Шунингдек, олимлар кучли Ла-Нинья денгиз сатҳининг пайишига ҳам олиб келади, дея фикр билдирмоқдалар.



ларнинг мазкур изланишдан кўзланган мақсадларининг энг муҳими сифатида кўрсатилмоқда.

КИЁФАЛАРНИ
ТАНИШ ДАСТУРИ
ЯРАТИЛДИ

Океанортидаги Калифорния университетининг икки тарихчи ва бир муҳандис олими ҳамкорлигида суратларда акс эттирилган инсонлар шахсини аниқлаш учун махсус дастур яратилди.

«Индепендент» нашрида бу ҳақда хабар берилди. «FACES» (Faces, Art and Computerised Evaluation Systems) — Киёфалар, санъат ва компьютерлашган аниқлаш тизими) номини олган мазкур дастур рақамли суратларни ўрганиб санъатшунослар ишини энгиллаштирувчи янги «қурол» бўлади. Дастур суратлар, ҳайкаллар ва бошқа объектлар ёрдамида олинган маълумотлар асосида ишлайди.

Калифорния университети профессори Конрад Рудольфнинг сўзларига кўра, фотосуратлар ихтиро қилингунга қадар ўтмишдаги машҳур шахсларнинг киёфалари айнан рассомлар асарларида акс этган. Лекин машҳур рассомлар томонидан XIX асргача сурати туширилган кўплаб одамлар ҳамон шахси номаълумлигига қолмоқда. Синов жараёнида янги дастур XV асрда Флоренцияда ҳукмронлик қилган Лоренцо Медичи тасвирини бехато аниқлашга муваффақ бўлди. Эндликда олимлар унинг ёрдамида биринчи галда Франс Халснинг «Кулаётган кавалер» (1624 йил) ва Вермеернинг «Марварид зиракли қиз» (1667 йил) суратларида тасвирланган шахсларни аниқлаш ниятида эканини маълум қилишмоқда.

ДОРИ ФОЙДАЛИМИ
ЁКИ ЗАРАР?

Буюк Британияда ко-проксамол турдаги оғриқ қолдирувчи дори воситаси таъқиқлангандан сўнг ушбу дори билан заҳарланиш оқибатида ҳаётдан кўз юмиш ҳолатлари камайган. Мавзуга оид мақола «Плос Мэдисин» («PLOS Medicine») журналида чоп этилди.

Ко-проксамол энг йирик АҚШ фармацевтик компанияларидан бири — «Eli Lilly & Company» маҳсулоти бўлиб, у қатъий равишда шифокор тавсиясига кўра сотиладиган оғриқ қолдирувчи дори. Унинг таркибида

парацетамол ва кучсиз опийод хисобланган декстропропоксифен бор. Оксфорд университети профессори Кит Хаутан раҳбарлигида ўтказилган тадқиқот 1997—1999 йилларда Англия ва Уэльсда 20 фоиз ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари айнан шу дори воситасида амалга оширилганини кўрсатди. Мазкур нохуш статистика эълон қилинган, 2005—2007 йилларда ко-проксамол Буюк Британияда сотувдан олиб ташланганди. 2007 йилдан бери эса дори бутун Европа ва АҚШда ҳам сотилмай қўйди.

Жараёнда 2008—2010 йилларда ҳар йили ўртача 20та ҳолатда қилиб-билмай дори воситасида ўз жонига қасд қилиш кузатилган. 1990-йилларда — ҳар бир дорихонада ко-проксамол бемалол сотилган даврда эса 250дан ортқ бундай нохуш ҳолат қайд этилган экан. Эътиборлиси, ко-проксамол таъқиқланганидан сўнг ҳам бошқа шу турдаги дори воситасида амалга оширилган ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг камайгани кузатилган. Айнан шу жиҳат олим-

ЎСИМЛИК ҲАЙВОНЛАРНИ
ЗАҲАРЛАДИ

Австралия вомбат (қопчиқли ҳайвон)ларининг қатор турлари мамлакат фаунасига ёт ўсимлиқдан заҳарланган, уларнинг ҳаёти хавф остида, дея хабар беради Франс-Пресс ахборот агентлиги.

Австралия табиий тарих жамияти илмий ходими Петер Клеменнинг таъкидлашича, мамлакат жанубида юзлаб касалланган вомбатлар топилган. Уларнинг тахминан 85 фоизи ўсимлиқдан заҳарланган. Бунинг оқибатида туқларнинг туқлиқ тўкилиши ва кескин равишда фаоллик пасайиши кузатилмоқда. Хаста жонотлар қуёшда тобланиб, заҳарланиш туфайли узоқ муддат оч қолиш натижасида пасайиб кетган тана ҳароратини оширишга ҳаракат қилмоқда, дейди олимлар. Бундай хатти-ҳаракатлар эса ҳаётнинг катта қисмини ер остида ўтказадиган дунёдаги энг йирик ҳайвон — вомбатларга хос эмас экан. Очлик эса аксарият ҳолларда уларнинг ўлимига олиб келади.

Аделаида университети олимлари бир нечта нобуд бўлган жонотлар танасини ёриб кўргач, заҳарланиш жигарнинг зарарланиши оқибатида эканини, бунга заҳарли турдаги картошка сабаб бўлганини айтишди.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА ва
Гулҳаё ЭРГАШЕВА тайёрладилар.



«Муди'с» («Moody's») халқаро рейтинг агентлиги барча кўрсаткичлар бўйича башоратлар яқин келажақда ҳам салбий бўлиши тахмин қилинаётгани боис Италиядаги 26та банк, «Юникредит» ва «Интеза Санпаоло» каби энг йирик молиявий ташкилотларнинг кредит рейтингини бир поғонага (A3дан A2га) пасайтирди.

Тинч океанининг Мексикага яқин ҳавзасида 2012 йил мавсумидаги ilk тропик пўртана — «Алетта» қайд этилиб, у ғарбга қараб соатиға 19 (баъзи ҳудудларда соатиға 64) километр тезликда ҳаракатланса-да, Америка қитъаси аҳолисига ҳеч қандай хавф туғдирганича йўқ, дея хабар берди мамлакатдаги Бўронларни тадқиқ этиш миллий маркази.

Франциянинг «Тотал» компанияси Шимолий денгиздаги «Илайн» («Elign») бургулаш платформасида жорий йилнинг 25 мартида бошланган газ сизиб чиқиши бартараф этилгани, нохуш ҳолат туфайли қўрилган молиявий зарар ўнлаб миллиард долларни ташкил этиши ҳақида хабар берди.

Бортда россиялик космонавтар Геннадий Падалка ва Сергей Ревин ҳамда НАСА астронавти Жозеф Акаба бўлган «Союз ТМА-04М» космик кемаси Халқаро космик станциясига муваффақиятли равишда қўнгани, улар орбитада 120 кун давомида бўлиб, бу муддат оралиғида бир марта очқ космосга чиқиши ҳақида ТАСС ахборот агентлиги маълум қилди.

Вьетнамда Ҳошимин шахри ва Даклак провинциясини бириктирувчи йўлда йўловчи автобуси кўприк тўсиғига урилиб, дарёга тушиб кетиши оқибатида 34 нафар одам ҳалок бўлган ва 20 нафари турли даражада жароҳат олган.

1969 йилда Тошкент шаҳар Юнусобод туманида 274-мактаб (собиқ Тошкент туманидаги 27/2 таянч мактаби) томонидан Расулова Мастура Усмановнага берилган 661866-рақамли 11-синфни битирганлиги тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Республика илмий педагогика кутубхонаси жамоаси Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги вилоят ахборот-ресурс маркази директори Назира Раҳмоновага ўғли
Маҳкам РАҲМОНОВнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти раҳбарияти ва жамоаси институт бош ҳисобчиси Мухтарам Мухитдиновага отаси

Саиджаффар ота МАГРУПОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Реклама • Эълонлар • Реклама • Эълонлар • Реклама • Эълонлар • Реклама • Эълонлар

Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги
аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим
мактаби 2012-2013 ўқув йили учун 2- ва 5-синфларга
ўқувчилар тест синовлари асосида қабул этилишини
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқувчилар кириш синовларида қатнашиш учун қуйидаги зарурий ҳужжатларни топиришлари керак:

1. Мактаб директори номига ариза.
2. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома.
3. 086-У формадаги тиббий маълумотнома.
4. 3х4 ҳажмдаги 6 дона расм.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 183-уй. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 6-биноси. 1-қават, 119-хона. Тел.: (8371) 245-38-66.

МАКТАБ ҚАБУЛ ҲАЙЪАТИ.

5. Психологик-педагогик ташхис дафтари.
6. Турар жойдан маълумотнома.

Ҳужжатлар ихтисослаштирилган мактабнинг 2-синфи учун 1—31 июль, 5-синфи учун эса 1—20 июль оралиғида қабул қилинади.

Тест синовлари она тили ва математика фанидан 5—20 август оралиғида ўтказилади.

Dam olish sahifasi

ХУШ КАЙФИЯТ — КУННИНГ БАРАКАСИ

Хол-аҳвол сўрашилганда «Кайфиятингиз яхшими?» деган ибора ҳам тилга олинади. Демак, кайфиятнинг хушлиги, кўнгилнинг хотиржамлиги оиладаги осудалик ва ишнинг бир маромда кетаётганидан ҳам далолат беради. Рухшунослар ҳар қандай ҳолатда кайфиятни кўтара олиш инсоннинг ўзига боғлиқлигини исботлашган. Куйидаги «сирлар» бу борада сизга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Ўзингизга ёқадиган нарсалардан ҳузурланинг. Ёқмайдиганларидан эса қочишга ҳаракат қилинг.

Хаётда ҳамма нарса биз истаганимиздек бўлавермайди. Лекин бир нарсани унутманг: баъзида катта қийинчиликлар чарчоғини кичкинагина қувончлар ҳам юйиб кетмоғи мумкин. Гап ана шу қувончни кўра олишда!

Бирор муаммога дуч келиб қолганингизда асло тушқунликка тушманг. Чунки ҳар қандай тугуннинг ечими бор. Фақат сабр, ақл билан шу тугуннинг учини топинг!

Атрофингиздагиларнинг қувончига шериқ бўла олинг, шодланинг. Яқинларингизга табассум қилинг. Ҳасад, ўзгалар ютуғини кўра олмаслик фақат ўзингизга зарар. Ҳавас билан яшашга куч топинг!.. Буларнинг ҳаммаси кунингизнинг баракали ўтишига хизмат қилади.

Кийим-кечак, ҳатто пойабзалдаги доғ ҳам оила бекасининг қайсидир маънода эътиборсизлигини кўрсатиб туради. Шундай экан, рўзғор тутумларида ҳам билим ва тажрибага таяниб иш кўриш юзимишни ёруғ қилади. Куйидаги тавсиялар сизга асқотиши мумкин.


ҚИЗИМ, СЕНГА АЙТАМАН

Кийимларга теккан қон доғини кетказиш учун либос совуқ сувда бир неча соат ивителиб қўйилади-да, кейин совунлаб ювилади.

Сут, қаҳва, какао, балиқ ёғи доғларини бензин, ацетон билан артиб кетказиш мумкин.

Дазмол сарғайтирган доғларга пиёз суви суриб қўйиб, бир неча соатдан кейин ювилса, тоза бўлади.

Рангдор пойабзалдаги доғларни яримта пиёз би-



лан артиб кетказиш мумкин.

Тери доғларини кетказиш учун ош тузи эритмаси (1 стакан сувда бир ош қошиқ туз эритилади)ни ишлатиш яхши натижа беради.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

— Қалай отахон, эшитиш мосламаси яхши ишляптими? — дея сўрабди шифокор беморидан.

— Зўр, — дея жавоб берибди отахон ҳам мамнун. — Уни ишлата бошлаганимдан буён хўрозни сўйиб, ошнинг тагига босдик. Қўшнингнинг итини ўлдирдим, кеча аввал ёздириб қўйган васиятно-мамни янгиладим...

Ота ўғлига дебди:

— Мана, яқинда мактабни ҳам тугатасан, ойинг билан мен сенинг шифокор бўлишингни орзу қилардик.

Ўғил ҳайрон бўлганча жавоб берибди:

— Ие, бу нима деганингиз? Ахир, мен пашшани ҳам ўлдира олмайман-ку?



ТАЪМИ АЧЧИҚ, ДАВОСИ ШИРИН

Бугун бозор расталарида килолаб, боғ-боғ қилиб сотилаётган, яқинда замин бағридан узиб олинган саримсоқлар сероб. Қўкат харид қилганда, албатта, ундан ҳам қўшиб оласиз. Саримсоқнинг дармондориларга бойлиги гўёки кўринишида-ноқ аён. Бироз бадбўйлиги бор демасангиз, турган битгани минг дардга даво.

Пиёзгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик — саримсоқ таркибида инсон саломатлиги учун муҳим фитонцидлар, эфир мойи, С, В витаминлари, азотли моддалар, минерал тузлар, гликозид аллеин, йод бор.

Саримсоқ нафас йўллари шамоллаганда, нафас қисийида, ичбуруғ касалликларида, қорин дам бўлганда безор даво воситаларидан саналади. Бўтқаси соч тўкилишида малҳам бўлади. Саримсоқдан тайёрланган қайнатма гижжа ҳайдаш ва тумовда ишлатилади. Сурункали йўталга учраганда саримсоқни сутда қайнатиб, наҳорда ичиш яхши самара беради.

Буйрак ва қовуқда тош бўлса, ревматизм хасталиги безовта қилса, саримсоқдан тайёрланган тиндирмадан

фойдаланиш мумкин:

100 грамм ароққа 40 грамм саримсоқ бўтқа холига келтириб солинади. Аралашманинг мазасини яхшилаш мақсадида ялпиз шарбати қўшилиб, бир ҳафта давомидида қўйиб қўйилади. Шундан сўнг қунига тўрт маҳал 15 томчидан овқатланишдан олдин ичилади.

Майдаланган 80 грамм саримсоққа 800 грамм кунжут мойи қўшиб қиздирил-

гач, аралашмани бел оғригидан ха-

лос бўлишда қўллаш ҳам тажрибалардан маълум.

Абу Али ибн Сино саримсоқ қулини асал билан аралаштириб темирлаткига малҳам сифатида қўллаган. Олим ушбу неъмат қайнатиб ичилганда овоз очилиб равон бўлиши, оғиз чайилса, тиш оғриғи чекиниши, балғам қўчириш хусусиятига эга эканини ўз асарларида баён этган.

Ўзбекистон бозорлари расталаридан жой олган саримсоқ — она заминимизнинг ўзи шифокор эканини тасдиқлаб турган табиат тухфасидир.


Ушбу табиий малҳам тавсияларидан фойдаланишдан аввал шифокор билан маслаҳатлашишни унутманг.

Tabuam — tabib

«ГУЛИ ГИРИХ»

Ташқи шаклда: 1. Истиклол. 2. Гули қуёшсимон ўсимлик. 3. Соннинг синоними. 4. Олимпиада чемпиони, боксчи ... Абдуллаев. 5. Мусаввир. 6. Маҳкам, пишиқ.

Ички шаклда. 7. Етишиш умиди. 8. Қалин буюмларни тикишда ишлатиладиган учи эгри игна. 9. Ўзбек эстрадаси асосчиси. 10. Узум нави. 11. Товланувчан мато. 12. Рўйи замин сайқали бўлган шаҳар. 13. Акциядан олинадиган фойда. 14. Хонанда ... Раҳмонов. 15. Милoddан аввалги II аср охири I аср бошидаги Ўзбекистон маданиятига оид ёдгорлик. 16. Кураш бўйича жаҳон чемпиони ... Курбонов. 17. Нон ёпиш мосламаси. 18. Ўзбекистон



ЧАЙНКРОССВОРАИ

халқ ҳофизи Ориф ... 19. Сомса тури. 20. Чой номи. 21. Игнадан ҳимоя этувчи буюм. 22. Хоразмийга дахлдор математик атама. 23. Атласи билан машҳур шаҳар. 24. Асос, пойдевор. 25. Амалий санъат тури. 26. Туганак пиёзлар оиласига мансуб гул. 27. Яширин жой номини олган ўйин. 28. Койиш, дакки. 29. Ажрим хулосаси, қатъий қарор. 30. Хамирли таом.

Тузувчи ва наққош:
Валижон АБДУЛЛАЕВ,
Наманган туманидаги 37-умумий
ўрта таълим мактаби
олий тоифали тасвирий санъат фани
ўқитувчиси,
«Шухрат» медали соҳиби

Саҳифани Ойбуви ОЧИЛОВА тайёрлади.

Шарқда азалдан энг яхши одат ва анъаналар оилаларда шаклланиб келган. Бу эса, ўз навбатида, фарзандлар онгида келажак мақсадлар, орзулар юзага келишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Жумладан, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, иродасини чиниқтириш, руҳини тетиклаштириш ва ўзаро ҳурмат ҳамда ҳамжиҳатликни таъминлашда бекиёс кўмакчи мақомига кўтарилиб улгурган спорт ва жисмоний тарбияни, аввало, оилаларда оммалаштириш, кенг тарғиб этиш пировардида бутун жамиятни соғломлаштириш, бирлаштириш ишларининг жадаллашувига олиб келади.

Шу маънода, юртимизда бир неча йиллардан буён оилавий спортни ривожлантириш борасида салмоқли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюмлари марказий кенгаши томонидан 15–17 май кунлари Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида юртимиздаги таълим, фан ва маданият муассасалари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида «Соғлом оила — жамият таянчи» шиори остида оилавий спорт мусобақаларининг республика босқичи кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Спорт мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгаши, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Тошкент шаҳар маданият муассасаларида ишлаётган ходимлар ўз оила аъзолари билан голиблик учун мусобақалашди. Айтиш керакки, улар оилавий спорт мусобақаларининг финал босқичига қадар туман ва вилоят босқичларида зафар қучишган. Бу эса ушбу беллашувларнинг ҳал қилувчи босқичи ҳар жиҳатдан қизгин кечишини таъминлади. Югуриш, акробатика элементларини бажариш ва тўпни нишонга отиш, «Чакқонлик ва мерганлик» эстафетаси, «Моҳир ҳужумчи», «Қаддимизни ростилаймиз, сакрашни бошлаймиз» каби ҳаракатли ўйинлар ва кўпқўраш мусобақаларидан иборат жами олти шарт бўйича 32 оила (96 нафар иштирокчи) иқтидорини намойиш этди.

— «Соғлом оила — жамият таянчи» оилавий мусобақаларини ташкил этишдан мақсад —мазкур тадбирлар орқали

меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзолари орасида оммавий спорт турлари, ҳаракатли ўйинлар билан шуғулланишни янада ривожлантириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари ёрдамида саломатликларини тик-

чи, ҳам ўзлаштириш жуда осон бўлган ҳаракатли ўйинлар асосида ўтаётган мусобақалар баҳонасида республикада истикомат қилиб, юрт фаровонлиги ва равнақи учун ўз ҳиссасини қўшаётган, фарзандларини спортга ошно этиб тарбиялаётган замонавий ўзбек оилалари қиёфасини кўргандек бўлаяпмиз.

Дарвоқе, Чирчиқ шаҳрига келган спортчи оилалар «Бўстон» санаторийсига жойлаштирилди. Улар спорт мусобақаларида қатнашиш билан бирга ям-яшил табиат қўйнида хордиқ чиқаришга ҳам улгуришди. Бинобарин, «Соғлом оила — жамият таянчи» шиори остида ўтказилган мусобақаларда қатнашиш учун келган ҳамюртларимиз майдонда бир-бирига рақиб, бироқ жўшқин ҳаётда, меҳнат жаҳалларида сунъан, таянч ва елкадошдир.

СОҒЛОМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

лашга кўмаклашишдан иборат, — деди Марказий кенгаш раиси Равшан Бедиллов.

Спорт жамоаси таркибида 7 нафар иштирокчи: ота-оналар, 12 ёшгача бўлган бир нафар ўғил бола ва бир нафар қиз фарзанддан иборат иккита оила ҳамда бир нафар жамоа раҳбари қайд этилган бўлиб, улар бир хил спорт кийимидан, ўз шиори остида баҳсларга киришди.

— Оилавий спорт мусобақаларида қатнашиб, ўз куч ва гайратини намойиш этаётган жамоалар мамлакатимизнинг ёш оилалари эканини кўриб қувонаймиз, — деди олий тоифадаги ҳакам Виталий Девятков. — Бу ерда бутун дунёда оммалашган спорт турлари бўйича эмас, балки ҳам жисмоний баркамолликка ундов-



— Биз Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидан келдик, — деди кун яримигача бўлган мусобақаларда қатнашган Абдурахим Бобоқулов ўз таассуротлари билан ўртоқлашаркан. — Мен ҳам, рафиқам Гуласал Бобоқулова ҳам туманимиздаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида қўл тўпи бўйича муборак бўлиб ишлаймиз. Олти нафар фарзандимиз бор: 5 қиз, 1 ўғил. Бугунги мусобақага қизимиз — тумандаги 5-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Меҳринисони ҳам олиб келганмиз. Шунинг айтишим керакки, ўзим спорт ва жисмоний тарбиянинг мазмун-моҳиятини яхши тушунишим учун фарзандларимни узлуксиз равишда спортга жалб этишга алоҳида эътибор бераман. Шу боис бизнинг оила — спортчилар оиласи, дейишим мумкин.

Ҳа, Чирчиқ шаҳрида спортга меҳр қўйган, унинг тарғиботи ва ташвиқотида намуна бўлаётган оилалар йиғилди. Спорт фестивалида чинакам спортчиларга хос дўстона муносабат ҳукм сурди. Ўзаро қарама-қаршиликлар натижаси қандай бўлишидан қатиб назар, яқунда мағлуб голиблин самимий табриклаётганини кузатдик. Шу тобда спортнинг оилаларни мустаҳкамлаш билан бирга бутун жамиятни яқинлаштиришда, жипслаштиришда катта куч эканини яна бир қарра ҳис этдик.

2012-yil — Mustahkam oila yili



ерда мутасаддилар мусобақа голиб ва совриндорлари номини эълон қилди. Унга кўра, қиз фарзанди бор оилалар ўртасида 1-ўрин Тошкент шаҳрида истикомат қилувчи Пулатовлар оиласига насиб этди. 2-ўринни Фарғона вилояти Қўштепа туманида яшовчи Шокировлар оиласи ҳамда 3-ўринни хоразмлик Саъдуллаевлар оиласи қўлга киритди. Ўғил фарзандли оилалар беллашувларида умумҳисобда Хоразм вилоятдан келган Олимовлар оиласи 1-ўринни эгаллаган бўлса, кучли ўқликдан наманганлик Муродовлар (2-ўрин) ва андижонлик Адашевлар оиласи (3-ўрин) жой олди. Улар Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюмлари Марказий кенгашининг эсдалик совғалари ҳамда дипломлари билан тақдирланди. Бундан ташқари, ҳар бир иштирокчи оилалар учун ҳам совғалар тақдим этилди. Тақдирлаш маросими шўх куй-қўшиқлар ва дилбар рақсларга улашиб кетди.

— Биласизми, мазкур мусобақада зафар қучишни жуда ҳам истагандик, — деди голиблардан бири шовотлик Маҳмуд Олимов қўлиб. — Мана, ниятимиз рўёбга чиқиб, оилавий мусобақада фарри 1-ўринни эгалладик. Мен туманимиздаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида баскетбол муборакбиси бўлиб ишлайман. Машғулотлар вақтида шогирдларимга амалий билим бериш билан чекланмай, спортнинг маънавий, мафқуравий хуружларга қарши муносиб курашишдаги аҳамиятини ҳам тушунтириб боришга ҳаракат қиламан.

М.Олимовнинг турмуш ўртоғи Шовот туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси Барно Каримова шундай мураккаб синовда голиб бўлганидан қувонганини таъкидлади. Икки нафар ўғилнинг онаси Б.Каримова учун ушбу ғалабининг қиймати қанчалик баланд экани унинг юзу кўзидан билиниб турарди. Ахир улар шахсий биринчиликда эмас, оилавий мусобақада муваффақиятга эришди. Туман ёки вилоят босқичида эмас, республика финал баҳсларида зафар қозонди.

Чирчиқ шаҳридан қайтарганимиз, буюк давлат асоси бўлмиш жамиятнинг ҳақиқий таянчи — спортчи оилаларимиз сафи бундан-да кенг бўлишини истадик.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири
В.ГРАНКИН олган
суратлар.



ЖАҲОН ГИМНАСТИКАСИ ЮЛДУЗЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ ЙИРИК МУСОБАҚАЛАР


(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Гимнастика федерацияси президенти, Осиё гимнастика иттифоқининг фахрий президенти Л.Каримова-Тиллаева мусобақалари очик, деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари Ўзбекистонда 2004, 2005 ва 2011 йилларда ҳам ўтказилган. Ушбу мусобақалар мақомига кўра, Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатида яқин. Халқаро гимнастика федерацияси ушбу беллашувларни бу йил яна айнан Тошкентда ўтказишга қарор қилгани Ўзбекистоннинг дунё спорти соҳасидаги нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Ўғил-қизларимизнинг спорт соҳасидаги улкан ютуқлари, халқаро мусобақаларда мунтазам галаба қозонаётгани, ёш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш учун яратилган барча шароитлар ҳам мамлакатимиз нуфузининг ошишига хизмат қилмоқда.

Президентимиз Илҳом Каримов Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг шу йил 10 февраль кuni бўлиб ўтган йиғилишида таъкидлаганидек, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуг, энг муқаддас мақсад, деб билган мамлакатгина халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олади.



Марина Дурунда (Озарбейжон)

Оммавий спортни ривожлантириш, жумладан, болаларни ёшлигидан спорт билан шуғулланишга жалб этиш қўйилган мақсадларга эришишда улкан аҳамият касб этади. Бу борада ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар салмоқли натижа бермоқда. Бу биз ҳақли равиш-

да фахрланадиган вакилларимизнинг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақаларда эришаётган кўплаб галабалари билан боғлиқдир. Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мактаб,



колледж ва лицей ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», талабаларнинг Универсиада спорт ўйинлари ҳам ўзбек спортининг юксак салоҳиятини намойиш этмоқда. Улар болалар ва ёшларни спорт билан фаол шуғулланишга оммавий жалб қилиш бўйича ягона тизим сифатида атоқли спортчиларни тайёрлайдиган ҳақиқий мактабга айланди.

Спорт нафақат боланинг саломатлигини мустаҳкамлаш, балки унинг ақл-заковатини ривожлантириш, ўқишга, иродасини чиниқтиришга, жамиятда муносиб ўрин эгаллаш имконини берадиган фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради.

Мамлакатимизда болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитнинг яратилгани бундай комплекс вазифаларни амалга оширишга хизмат қилаётир. Барча ҳудудларда, ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам халқаро талабаларга жавоб берадиган ва барча зарур анжомлар билан жиҳозланган замонавий спорт иншоотлари барпо этилди. Ҳар бир мактабда, шу жумладан, қишлоқ мактабларида спорт зали мавжуд, спорт турлари бўйича секциялар фаолият кўрсатмоқда. Барпо этилган юзлаб спорт мажмуаларида халқаро стандартлар асосида тайёргарликдан ўтган тажрибали мураббийлар меҳнат қилмоқда.

Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Happy Caravan» ўсмирлар халқаро турнири жаҳонда энг яхши гимнастика марказларидан бўлган

ана шундай мажмуалардан бирида ўтказилмоқда. 2012 йил 1 январда унинг базасида Бадий гимнастика бўйича олимпия захиралари республика болалар-ўсмирлар ихтисослашган мактаби иш бошлади.

Бадий гимнастика, ҳақиқатдан

ҳам, спортнинг энг гўзал ва нафис турларидандир. Гимнастика билан шуғулланиш қизларни ҳам жисмонан, ҳам эстетик тарбиялашга, уларнинг мусиқа ва рақсга қизиқишини оширишга, маънавий гўзаллигини шакллантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон Гимнастика федерацияси шафелигида барча вилоятларда спорт клублари, бадий гимнастика мактаблари ва секциялари фаолият кўрсатмоқда, мунтазам ўтказиб келинаётган ҳудудий ва республика мусобақалари янги, иқтидорли спортчи қизларни аниқлаш, ушбу спорт турини кенг оммалаштириш имконини бераётир. Юқори малакали мураббийларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон бадий гимнастика мактаби бутун дунёда эътироф этилган. Элла Сумарокова, Элла Холмуродова, Ирина Винер, Венера ва Амина Зарипова, Елена Холодова, Янина Батиршина, Алина Кабаева каби кўплаб жаҳонга машҳур юлдузлар айнан юртимизда тарбияланган. Бугун уларнинг ўрнини янги, истеъдодли спортчи қизлар эгалламоқда ва ўз галабалари билан Ватанимиз довуғини дунёга ёймоқда. Жорий йилда Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган Ульяна Трофимова улардан биридир.

Тошкентда Жаҳон кубоги билан бирга бадий гимнастика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган анъанавий «Happy Caravan» халқаро

турнири авлодлар ворислигини ёрқин намойн этмоқда. 77 иштирокчи орасида мамлакатимиз вакиллари — кўплаб халқаро мусобақалар ғолиблари Валерия Давидова, Рауля Фархутдинова, Нилуфар Шомуродова, Комила Саидхонова ва Анастасия Сердюкова бор.

Жаҳон кубоги босқичи ва ўсмирлар халқаро турнири мусобақаларига эрталаб старт берилди. Мусобақалар дастуридан кўпқураш ва финал беллашувларида яккалик ҳамда гуруҳ машқлари жой олган. Гимнастикчи қизлар чамбарак, копток, булава ва лента билан машқ бажариш бўйича ўз маҳоратини намойиш қиладди. Иштирокчиларнинг таркиби ҳам беллашувлар кескин ва мурасасиз ўтишидан далолат бериб турибди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кuni, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Истиқлол йилларида мамлакатимизни ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишнинг мустаҳкам асослари яратилди. Бугун Ватанга муҳаббат руҳида тарбияланаётган, интилувчан, барча жабҳаларда, жумладан, спорт соҳасида ҳам буюк ишларга қодир униб-ўсиб келаётган ёш авлод халқимиз ўз олдиға қўйган буюк мақсадларнинг рўёбга чиқишига хизмат қилади.



Зулфия Юлдашева (Ўзбекистон)

Мусобақаларнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, У.Розукулов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

Анна ИВАНОВА,
Ўза мухбири
Сарвар ЎРМОНОВ (Ўза)
олган суратлар.

Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта махсус та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib),
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



ИНДЕКС: 149, 150, Г-518.
Тираж 49951.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

"Ma'rifat" dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirish shart.
Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqir
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda

erkini narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Xayrullo ABDURAHMONOV.
Navbatchi: Sherall NAMOZOV.

"Sharq" nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili:
"Buyuk Turo" ko'chasi, 41-uy

Ўза ахуни — 21.45
Topshirildi — 23.15